БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 33

24 МАРТ ЧОРШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин.

БУГУНГИ СОНДА:

ВЛКСМ нинг XII с'езди (1-нчи бет).

Мастерларнинг ролини янада оширайлик! М. Рустамов. — Мастер (2-нчи бет).

СССР Ташқи Ишлар Министрлигида (2-нчи бет).

Кўкламги дала ишларини оммавий равишда кучайтириб юборайлик! С. Маҳкамов. — Ерларимиз унумдор, ҳосил мўл бўлсин! **А. Гостев.** — Картошка ва сабзавотдан мўл ҳосил етиштирайлик (3-нчи бет).

МАТБУОТ ОБЗОРИ: МТС ва район газетаси (3-нчи бет).

Ипакчилик илғорларининг область кенгаши (3-нчи бет).

Хитойда пахта майдонлари кенгайтирилмоқда (4-нчи бет).

«Европа мудофаа бирлашмаси»га қарши чиқучиларнинг халқаро кенгаши ёпилди (4-нчи бет).

Индонезия коммунистик партиясининг бешинчи с'езди ёпилди (4-нчи бет).

Совет касаба союз делегацияси Жаҳон касаба союзлари федерацияси ижроия бюросининг сессиясига жўнаб кетди (4-нчи бет).

Мастер—ишлабчиқаришнинг марказий фигураси

Мастер. Бу сўзни эсга олганингизда кўз олдингизда дарҳол салобатли кекса рус ишчиси гавдаланади. Унинг станок атрофида айланиб, ҳарбир ишнинг ипидан игнасигача синчиклаб текшириб юришлари, жиддий, лекин мулойим боқишлари, меҳрибонлик блан гоҳ эркалаб, гоҳ койиниб иш ўргатишлари, ишда қийинчилик туғилиб қолганда берган маслаҳат ва ўгитлари ҳарбир ёш ишчининг қалбида мастерга нисбатан битмас-туганмас муҳаббат туйғуларини уйғотади.

Ўзбек ишчилар синфининг тарихи заковатли рус мастерларининг номи блан бошланади. Кайсибир кекса ёки ёш ўзбек ишчиси блан суҳбат қилсангиз даставвал ўзига ҳунар ўргаттан биринчи устози — рус мастерининг номини тилга олади. Ўзбек ишчилари революцион рус ишчилар синфидан ҳунаргина эмас, озодлик, эркин ҳаёт учун кураш йўлларини ҳам ўрганди. Ўзбек ишчиси завод, фабрикаларнинг қизғин ҳаётида рус ишчиси блан бирга ўсди, чиниқди, тарбияланиб вояга етди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг тинмай қилиб келаётган меҳрибонликлари, рус ишчилар синфининг оғаларча ёрдами туфайли ўзбек ва республикамиздаги бошқа миллатлардан юз минглаб малакали ишчилар, ишлабчиқаришнинг билимдон командирлари — мастерлар, инженер-техник ходимлар етишиб чиқди. Бу ишчи кадрлар ишчилар синфи жанговар армиясининг сафларини тобора кўпроқ тўлдириб бормоқда ва социалистик саноатимизнинг гуллаб-яшнатишда актив иштирок этмоқда.

Социалистик саноатимиз эришаётган барча ғалабаларда ишлабчиқариш командирларининг, шу жумладан ишлабчиқаришнинг бевосита ташкилотчиси — мастерларнинг ҳиссаси бениҳоя каттадир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мастерларнинг ишлабчиқаришдаги ташкилотчилик ролини оширишга ҳаммавақт катта аҳамият бериб келдилар. СССР Министрлар Совети, КПСС Марказий Комитетининг мастерларнинг ишлабчиқаришдаги ролини ошириш ҳақида чиқарган қарор ва кўрсатмалари ишлабчиқаришни бошқариш ишини яхшилашда бениҳоя катта роль ўйнади. Бу қарор ва кўрсатмалар мастерларнинг ижодий ташаббусини оширди, илғор, юқори малакали ишчилардан ишлабчиқаришнинг кобилиятли ташкилотчиларини кўтаришга имконият берди. Ишчилар орасидан кўтарилган бу талантли ташкилотчилар ўз участкаларини пухта ўрганган чиначам мастерлар ва ишчиларнинг биринчи раҳбарлари ҳамда билимдон маслаҳатчилари бўлиб қолдилар. Энг яхши мастерлар қаторидан ишлабчиқариш новаторлари — Сталин мукофотининг лауреатлари етишиб чиқди.

Саноат корхоналаридаги жуда кўп мастерлар ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланган ҳолда меҳнатни тўғри ташкил қилиш, смена топшириқларини ҳарбир ишчига етказиш, ишлабчиқариш воситалари ва ишлабчиқариш кучларидан унумли фойдаланиш, социалистик мусобақани кенг ривожлантириш асосида графикнинг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлоқдалар. Улар ҳарбир ишлабчиқариш процессида маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш, технология процессларини такомиллаштириш ва новаторлик таклифларини, илғор иш методларини ишлабчиқаришга жорий қилиш, ишчиларнинг малакасини оширишда муносиб ҳисса қўшиб, ишлабчиқаришнинг талантли ва бевосита ташкилотчиси эканликларини кўрсатмоқдалар.

Хилково цемент заводи айланма печь учаткасининг мастери, Сталин мукофотининг лауреати Иван Петрович Коротов, Бекобод металлургия заводи прокат цехининг смена мастери С. Нуриддинов, «Чирчиксельмаш» заводи асбобсозлик цехининг смена мастери Иосиф Семёнович Панченко ва бошқа кўпгина мастерларимиз шулар жумласидандир.

Хилково цемент заводи айланма печь учаткасининг мастери ўртоқ И. Коротовнинг новаторлик ташаббуси ҳамма мастерларимизга ўрнак бўларлидир. У, печьлардан олинадиган маҳсулотнинг миқдорини анча оширди. Ўртоқ Коротовнинг участкасида меҳнат яхши ташкил қилиниб, иш график асосида олиб борилади. Ўртоқ Коротов айланма печьларнинг технологиясини такомиллаштириб, унинг иш унумини анча оширди.

Корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари мастерларнинг ишлабчиқаришдаги ролини тўғри баҳолаб уларга ҳартомонлама ёрдам бераётган жойларда мастерлар ижодий ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар ва ўз ишларида самарали натижаларга эришмоқдалар.

Броқ айрим корхоналарнинг раҳбарлари мастерларнинг ишлабчиқаришдаги муҳим ролини камситишга, уларни эгасизлантиришга уринмоқдалар ва мастерларнинг мустақил ишлашлари учун нормаль иш шароити яратиб бермаётирлар. Бу эса кўпгина мастерларимизнинг ижодий маҳорат кўрсатиб ишлашларига, ўзларини топширилган участканинг чинакам раҳбарлари деб ҳис қилишларига ма'лум даражада салбий та'сир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлигига қарашли Тошкент чинни заводи қолиплаш цехининг мастери ўртоқ Лилия Шукурянц столларга қўйиш учун статуэткалар ишлабчиқаришни ўзлаштириш устида узоқ вақт иш олиб борди. Унинг меҳнати зойи' кетмади. Заводда бундай маҳсулотни ишлабчиқариш мумкин эканлигини исботлади. Статуэткалар ишлабчиқариш учун керакли модданинг химик таркибларини ҳам топди. Унинг режаларини тузиб завод дирекциясига топширди. Броқ завод раҳбарлари ёш мастернинг новаторлик таклифига етарли э'тибор бермадилар. Ўртоқ Шукурянцнинг кўп меҳнат сарф қилиб тузган режаси завод бош инженерининг папкасида йўқолиб кетди.

Айрим жойларда мастерларга нисбатан бўлаётган бундай ва шунга ўхшаш муносабатлар ишлабчиқаришнинг бевосита командирлари—мастерларимизнинг ижодий юксалишларига, маҳорат кўрсатиб ишлашларига ҳалал етказади. Мастерларимизнинг ишлабчиқаришдаги ролини камситишларга мутлақо йўл қўймаслигимиз лозим.

Мастер—ишлабчиқаришда марказий фигурадир. У ўз участкасида ишлабчиқариш топшириқларининг барча кўрсаткичларини юзасидан тўла бажарилишига жавобгар. Мастер ҳарбир ишчининг разрядига қараб ўз ўрнига қўйиши, уларга ўз вақтида топшириқлар ва керак бўлиб қолганда ёрдам бериши лозим. Шунингдек мастер ишчиларнинг асбоб-ускуналар, хомаш'ё ва бошқа материаллар блан етарли та'минланишларини кузатиб боради, қилинадиган ишнинг норма ва баҳоларини ўз вақтида кўриб чиқади ҳамда ишчиларнинг технология қоидаларига ва техника хавфсизлигига қандай риоя қилаётганликларини кўрикдан ўтказиб туради. Мастер ишлабчиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишини та'минлайди, бракка йўл қўймайди, асбоб-ускуналардан техника қоидаларига мувофиқ фойдаланилишини назорат қилиб туради ва ўз участкасида мустаҳкам меҳнат интизоми ўрнатади.

Область саноат корхоналарида социалистик мусобақа тобора ривожланиб бормоқда. Бу мусобақада ишлабчиқаришнинг марказий фигураси бўлган мастерлар олдинда бормоғи лозим. Мастерларнинг ишлабчиқаришдаги ролини тинмай ошириб бориш корхоналарнинг муваффақиятли ишлашлари учун муҳим шартлардан биридир. Барча корхоналарда мавжуд ишлабчиқариш майдонини кенгайтирмасдан ва қўшимча асбоб-ускуналарсиз маҳсулот ишлабчиқаришни кўпайтириш ва аҳолини кенг иста'мол моллари блан янада кўпроқ та'минлаш учун қизғин кураш бораётган шу кунларда мастерларнинг роли бениҳоя каттадир.

Корхоналардаги партия ва касаба союз ташкилотларининг вазифаси — мастерларнинг ўз ҳуқуқ ва имтиёзларидан тўғри фойдаланиб, зиммаларига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун барча шароит ва имкониятларни яратиб беришдан иборатдир. Мастерларнинг сиёсий ва техника билимларини оширишда, уларнинг илғор тажрибаларни кунт блан ўрганишларида ва уни ишлабчиқаришга жорий қилишларида, ниҳоят ишлабчиқаришнинг чинакам ташкилотчилари бўлиб етишишларида ҳартарафлама ёрдам бериш лозим.

Бешинчи бешйилликнинг тўртинчи йили—1954 йил давлат планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани тобора кучайтирайлик, ишлабчиқаришда марказий фигура ҳисобланган мастерларнинг ролини янада оширайлик!

ВЛКСМнинг XII С'ЕЗДИ

22 мартда Москвада, Катта Кремль саройида ВЛКСМнинг XII с'езди ВЛКСМ Марказий Комитети ва Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилишни давом этдирди. Эрталабки мажлис Белоруссия ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Машеровнинг** нутқи блан бошланди.

— ВЛКСМ XI с'ездидан буён ўтган даврда,—дейди у,—комсомол сафлари янада ўсди, комсомолнинг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишлари яхшиланди. Республика комсомол ташкилотлари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорини бажарабориб, колхоз, МТС ва совхозларнинг хўжалик ишларида актив қатнашабошладилар. Йигит ва қизлардан 18 мингдан ортиқ киши қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун жўнаб кетишни истаганлигини билдирди. Ҳозирги вақтда колхозчи ёшларнинг катта кўпчилиги ўғит тайёрлаш ва далага ўғит чиқариш блан банд.

Сўнгра ўртоқ Машеров ёшларни марксча-ленинча тарбиялаш масалаларига тўхталиб ўтади. У, пропаганда ишларида қироатхонлик ва догматизм ҳали тугатилмаганлигини та'кидлади. Кўпгина тўгарак ва сиёсий мактабларда машғулотлар паст савияда ўтмоқда, машғулотлар турмуш блан, комсомол ташкилотларининг амалий ишлари блан суст боғлаб олиб борилмоқда.

Ўртоқ Машеров ВЛКСМ Марказий Комитетини танқид қилади. ВЛКСМ Марказий Комитети сиёсий ўқишга раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишларини комсомол ёшларни тўгарак ҳамда сиёсий мактабларда ўқишга кўпроқ жалб этишни талаб қилиш блан чеклаб қўйди, тўгарак ва сиёсий мактабларнинг иш мазмунига кам э'тибор берди.

Мандат комиссиясининг раиси ўртоқ **Семичастнийга** сўз берилади. Ўртоқ Семичастний қуйидагиларни айтади: XI с'езддан кейин ўтган давр ичида ВЛКСМ сафига 9 миллиондан ортиқ киши қабул қилинди. Бу эса, комсомолнинг кенг ёшлар оммаси блан алоқаси тобора мустаҳкамланаётганлигини очиқ исбот этади, Саноатда, темир йўл транспортида, қурилишларда ва ўқув юртларида комсомол ташкилотларининг сони 44.641 га кўпайди. «Куйбишевстрой»да, «Сталинградгидрострой»да ва мамлакатдаги бошқа қурилишларда йирик комсомол ташкилотлари тузилди.

ВЛКСМ XII с'ездига жам'и 1334 делегат сайланди. Булар орасида ишчилар, колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари, инженерлар, техниклар ва фан арбоблари, сталинчи Армиясининг жангчилари, сан'ат, адабиёт, матбуот ходимлари, ўқитучилар, пионер вожатийлар, студентлар ва ўқувчилар бор. Делегатларнинг 43,8 проценти олий ва тўлиқсиз олий ма'лумоти эга, 395 киши иш соатларидан кейин олий ва ўрта ўқув юртларида ўқимоқда. Делегатлардан 8 таси Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 24 таси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 556 киши ҳукумат мукофотлари олган.

Новосибирск область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Соболев** конкрет амалий ишларда ёшларнинг тарбияланиб ўсаётганликлари тўғрисида сўзлаб берди.

Черкаси областидаги «Большевик» колхозининг сигир соғучиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **Рева** бундай дейди: Украина комсомоллари ва ёшлари социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан партия томонидан белгиланган программани амалга ошириш соҳасида зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар. Ўртоқ Рева колхознинг чорвачиликни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари ҳақида, ўз ишлари тўғрисида сўзлайди. 1953 йилда у, ҳарбир сигирдан ўрта ҳисобда 7.302 литр сут соғиб олди, бунинг учун у қўшимча ҳақ тариқасида 9500 литр сут олди. Ўртоқ Рева бу йил ўзига биркитиб берилган саккиз сигирнинг ҳарбиридан 7500 литрдан сут соғиб олишга сўз берди.

Комсомол ташкилоти чорвачиликда колхозга катта ёрдам бермоқда.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Залужний** саноатдаги комсомол ташкилотларининг ишлари ҳақида гапирди. Кейинги беш йил ичида саноат, транспорт ва қурилишлардаги комсомоллар сони 2 миллион кишидан ҳам ортиб кетди. Кўмир, нефть, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати каби муҳим саноат тармоқларида комсомоллар сони ортди. Аммо, комсомол ишлари турмуш талабларидан ҳали ҳам кейинда қолмоқда. Ба'зи корхоналардаги комсомол ташкилотлари ёшларни меҳнат унумини оширишга суст сафарбар қилмоқдалар. Комсомол ходимлари ёш ишчига қандай ёрдам кўрсатиш тўғрисида ғамхўрлик қилмай, балки кўпинча унинг мусобақада қатнашаётганлигини тасдиқловчи қоғозни расмийлаштиришга ҳаракат қиладилар. Илғорларнинг ташаббуси ёшлар ўртасида суст ёйилмоқда.

Ўртоқ Залужний Қора металлургия министрлигини танқид қилади, Бу министрлик сўнгги уч йил ичида тажрибаларни ўртоқлашиш юзасидан илғор металлургларнинг бирорта ҳам кенгашини ўтказмади, социалистик мусобақага раҳбарлик қилишни эса статистика ма'лумотлари тўплашдан иборат қилиб қўйган.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг раиси ўртоқ **Романов** минбарга чиқади. Сўнгги беш йил ичида,—дейди у,—мамлакатда физкультурачилар сони икки мартадан зиёд кўпайди, уч мингдан ортиқ спорт мастери тайёрланди. Совет спортчилари СССР миқ'ёсида 2131 рекорд қўйдилар. Бу рекордларнинг 208 таси халқаро миқ'ёсдаги расмий рекордлардан ортиқдир.

Совет Иттифоқининг халқаро алоқалари мустаҳкамланмоқда. 1953 йилнинг бир ўзидагина совет спортчилари 19 мамлакатда бўлдилар, 29 мамлакатнинг спортчилари СССРга келиб кетди. СССР даги спорт секциялари 22 халқаро спорт бирлашмасида а'зодир. Бу эса, барча мамлакатларнинг спортчилари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўртоқ Романов физкультура ва спортни ривожлантиришда комсомол ташкилотларининг роли тўғрисида, ёшларни жисмоний жиҳатдан чиниқтириш учун уларнинг кун сайин қиладиган ишлари ҳақида, ёшларни меҳнатга ва Ватан мудофаасига тайёрлаш тўғрисида гапиради.

Хитой Янги демократик ёшлар союзи Марказий комитетининг секретари **Лю Даю-шенга** сўз берилади. Делегатлар ва меҳмонлар улуғ хитой халқи ёш авлодининг вакилини гулдурос қарсаклар блан кўтиб оладилар. Лю Даю-шен хитой ёшлари номидан с'езд қатнашчиларига ва улар орқали барча совет ёшларига оташин салом топширади. Ленин комсомоли,—дейди у,—четэллардаги Коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарлигида бўлган ёшлар ташкилотлари учун намунадир. Илғор ёшларнинг ташкилотлари партиянинг жанговар ёрдамчиси ва резерви бўлишни, ёшларни коммунизм руҳида тарбиялашни комсомолдан ўрганмоқдалар.

Хитой ёшлари коммунизм қуриш ишида совет ёшларининг муваффақиятларини зўр э'тибор блан кузатиб турдилар. Совет Иттифокининг хозирги куни,—дейди нотиқ,—бизнинг эртаги кунимиз бўлажагини жуда яхши тушунамиз!

Лю Даю-шен СССР ва хитой халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб боратганлиги тўғрисида гапиради. Бу дўстлик Шарқда ва бутун дун'ёда тинчлик ҳамда хавфсизликни ҳимоя қилиш ишида қудратли куч бўлиб қолди.

Хитой делегацияси давомли қарсаклар ва «ура!» садолари остида с'езд президиумига Янги демократик ёшлар союзининг қизил бахмал байроғини, шунингдек Мукден станкосозлик заводи ёшлар союзининг а'золари томонидан ВЛКСМ XII с'езди шарафига тайёрланган ишлаб турадиган станок моделини топширади. Делегация а'золари с'езд қатнашчиларига Хитой-Совет дўстлиги значокларини топширдилар.

Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг президенти **Бруно Бернини** минбарга чиқади. Делегатлар ва меҳмонлар уни гулдурос қарсаклар блан кутиб оладилар. Бруно Бернини Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг мактубини ўқиб беради.

Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг табрик хати қаҳрамон комсомол ва совет ёшлари шарафига, совет ёшлари блан жаҳон ёшларининг бузилмас дўстлиги шарафига, ёш авлоднинг халқаро бирлиги шарафига табрик сўзлар блан тамонланади.

Жаҳон демократик ёшлари федерацияси делегацияси гулдурос қарсаклар остида федерациянинг фахрий байроғини ва ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида унинг саккиз йил мобайнида олиб борган курашини акс этдирган альбомни с'ездга тақдим этади.

Эрталабки мажлисда Иваново область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Завьялова,** Саратов область Комсомол райкомининг секретари ўртоқ **Апасова,** Қирғизистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Абдиқулов** ҳам сўзладилар.

☆ ☆ ☆

22 март кечки мажлисда ВЛКСМ Марказий Комитети ва Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилиш давом этди. **Г. М. Маленков, Н. С. Хрушчев, К. Е. Ворошилов, Н. А. Булганин, М. А. Суслов, П. Н. Поспелов** ва **Н. Н. Шаталин** ўртоқлар ҳукумат ложаларига чиққанларида делегатлар уларни қизғин табриклайдилар.

Латвия ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Беман** сўз олади. У айтадики, Совет Латвиясининг ёшлари республика ҳаётига доир энг муҳим масалаларни ҳал этишда партиянинг актив ёрдамчиларидир. Комсомол колхоз қурилишида катта роль ўйнайди. ВЛКСМ а'золаридан 750 киши колхозларда раҳбарлик ишларига кўтарилди, бир мингдан ортиқ комсомол колхоз правлениеларига ва ревизия комиссиялари составига сайланди.

Ўртоқ Беман СССР Қишлоқ хўжалик министрлигини танқид қилади. Бу министрлик қишлоқ хўжалик техникасини ўрганишни хоҳлаган ёшларни тегишли адабиёт ва қўлланмалар блан та'мин этмаётир.

«Комсомольская Правда» газетасининг бош редактори ўртоқ **Горюнов** ўз нутқида «Комсомольская Правда»нинг ишлари тўғрисида с'ездда қилинган танқид адолатли танқид эканлигини э'тироф қилди. Биз,—деди у,—с'ездга ва'да бериб айтамизки, ишимизни кескин суратда яхши йўлга қўямиз, газета ишларини яхшилаш учун тегишли чораларни кўрамиз.

Тамбов область Ржакса районидаги Калинин номли колхознинг раиси ўртоқ **Капнин** минбарга чиқади. Ўртоқ Капнин колхознинг партия ва комсомол ташкилотлари ёрдами блан қисқа вақт ичида—бир ярим йил мобайнида қолоқликка барҳам бериб, илғор колхозлар қаторига ўтаолганлиги тўғрисида сўзлайди. Ғалла экинларининг ҳосили икки-уч марта ортди, колхознинг даромади қариб икки марта кўпайди, меҳнат кунлари юзасидан бериладиган ҳақ анча ошди.

ВЛКСМ Марказий Комитети, Қишлоқ хўжалик министрлиги ва қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари,—деди ўртоқ Капчин,—йирик хўжаликка яхши раҳбарлик қилиш усулларини пухта ўрганишимизга тузук ёрдам бермаётирлар.

Арманистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Тер-Газарянц** кенг иста'мол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун курашда республика комсомол ташкилотларининг иштироки тўғрисида сўзлаб берди.

Ўртоқ **Тер-Газарянц** ёшлар ўртасида олиб борилаётган идеология ишларидаги жиддий камчиликлар ҳақида гапиради. Бундай камчиликлар комсомол органлари ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг ана шу ишга суст раҳбарлик қилаётганлигининг натижасидир. ВЛКСМ Марказий Комитетининг раҳбар ходимлари жойларга онда-сондагина келиб турадилар, ёшлар ўртасида сиёсий темаларда доклад қилмайдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар СССР Фанлар академиясининг президенти академик **Несмеяновнинг** нутқини зўр э'тибор блан тингладилар. Академик Несмеянов фаннинг турли соҳаларини ривожлантиришда Ватан фанининг эришган буюк муваффақиятлари ҳақида, халқ хўжалигида фандан кенг фойдаланилаётганлиги ҳақида, бундан кейинги тараққиёт перспективалари ҳақида сўзлади. Фандаги асосий нарса,—деди академик,—кадрлардир. Илмий кадрлар ўртасида ёшлар сони йил сайин кўпаймоқда. 1200 га яқин комсомол а'зоси Фанлар академиясининг аспирантлари ва докторантларидир. Фанлар академиясининг президенти комсомоллар, ёшлар бундан буён ҳам фан чўққиларини қунт блан эгаллайдилар, деб ишонч билдирди.

СССР Совет ёзучилари союзининг секретари ўртоқ **Сурков** бундай дейди: айрим делегатлар ўз сўзларида ба'зи ёзучиларнинг турмушдан ажралиб қолганлигини кўрсатиб, уларга та'на қилдилар, уларни келгусида ёзадиган ўз асарларининг ёш қаҳрамонлари блан бир ҳаётда яшашга чақирдилар. Делегатларнинг ана шу та'налари жуда тўғридир. Ленин комсомоли ҳозирги вақтда меҳнат соҳасида буюк зафарга—кўрик ерларни ўзлаштиришга отланди. Ана шу қаҳрамонлик юксак ва олижаноб қаҳрамонликдир. Аммо, ёзучи бу қаҳрамонликнинг бутун улуғворлигини ҳис этаолиши учун янги ерларда қаҳрамонларнинг биринчи қўкламини у блан бирга ўтказиши, енгиб ўтишга тўғри келадиган қийинчиликларни, қаҳрамонларнинг биринчи шодлиги ва ғалабаларини бирга кўриши керак. Шундай қилгандагина ёзучи ҳаққоний ва кучли асарлар яратолади.

Ўртоқ Сурков СССР Совет ёзучилари союзи ҳаётнинг талабларига жавоб берадиган асарларни яратиш чораларини кўради,—деди.

Делегатлар Польша ёшлари союзи Бош правлениесининг раиси **Станислав Пилявкани** қаттиқ қарсаклар чалиб кутиб олдилар. Станислав Пилявка ВЛКСМ XII с'ездининг делегаталари, комсомолларни, совет ёшларини Польша ёшлари союзи номидан, Польша Халқ республикасининг йигит ва қизлари номидан табриклаб, совет ва поляк халқларининг дўстлиги бузилмас ва мустаҳкам эканлигини та'кидлайди.

Станислав Пилявка гулдурос қарсаклар остида президиумга Польша ёшларининг турмуши ва меҳнати тўғрисидаги альбомни совға қилиб топширади.

Раислик қилучи Франция Республикачи ёшлар союзининг бош секретари **Гн Дюколонининг** нутқ сўзлаяжагини э'лон қилганида залда яна гулдурос қарсаклар бошланади. Гн Дюколоне Франция Республикачи ёшлар союзи ва Франция Қизлар союзи номидан табриклайди. Делегация а'золари президиумга мазкур ташкилотларнинг байроқларини топширадилар.

ВЛКСМ нинг XII с'езди 23 мартда ўз ишларини давом этдирди. (ТАСС).



☆ **Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўпмингли коллективи ахолини кенг иста'мол моллари блан янада қўпроқ та'минлаш мақсадида мавжуд резерв ва имкониятлардан фойдаланиб меҳнат унумини тобора оширмоқдалар. Ватанпарварлар тўқучилар сайловолди социалистик мусобақасида эришган ғалабаларини мустаҳкамлаб, айниқса шу кунларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.**

Ўтган йили комбинатда янги йигирув-тараш фабрикаси ташкил қилинган эди. Бу фабриканинг ватанпарвар ишчилари меҳнат унумини оширишда, маҳсулотнинг сифатини яхшилашда ва таннархини камайтиришда катта ғалабаларга эришмоқдалар.

Янги йигирув-тараш фабрикасининг ишга туширилиши республикамиздаги тўқув ва трикотаж фабрикаларни ип блан та'минлашдан ташқари, Иттифоқимизнинг Москва, Киев, Харьков, Полтава ва бошқа шаҳарларидаги тўқимачилик корхоналарига ҳам маҳсулотлар юбориш имкониятини берди.

Фабрика коллективининг фидокорона меҳнати ва уларнинг пландан ташқари ишлаб чиқараётган маҳсулотлари туфайли савдо тормоқлари учун ўтган йилга қараганда бирярим баравар кўп ип юбориш мумкин бўлади.

Фабриканинг барча цехлари ўз Ватанимизда ишланган асбоб-ускуна ва машиналар блан та'минланган. Суратда: янги фабриканинг «Таштекстильмаш» заводида ишланган машиналари ўрнатилган лента-пилта цехи.

С. Крапивницкий фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси). ☆

ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЙТИРИЛАДИ

ЯНГИЙЎЛ (Тошкент области), (ЎзТАГ) Янгийўл гўшт комбинатининг коллективи ишлабчиқариш майдонларини кенгайтирмасдан туриб, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўпайтирди. Комбинатда гўштдан ярим брикатлар, ҳархил миллий таомлар ишлаб чиқариш ташкил этилди.

Ҳозир комбинатда ёғ ва ичак цехлари реконструкция қилинди. Бу цехларда энг янги техника ўрнатилмоқда. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни бирярим баравар кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш имкониятини беради.

Комбинат коллективи йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун мусобақани кучайтириб юборди. Март ойнинг охиригача пландан ташқари 125 тонна гўшт ва колбаса маҳсулотлари тайёрлашга қарор қилинди.

Кўпболали оналар мукофотланди

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, СССР Олий Совети Президиуми номидан, меҳнаткашлар депутатлари Бухоро, Хоразм, Фарғона, Андижон, Наманган ва Тошкент область Советлари ижроия комитетларининг тақдимига мувофиқ, кўпболали оналардан 5—9 бола туғиб тарбиялаган 661 онани ССР Иттифоқи орден ва медальлари блан мукофотлади.

110 она I, II, III даражали «Оналик шуҳрати» орденлари блан ҳамда 551 она I ва II даражали «Оналик медали» медальлари блан мукофотланди. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАЛА ИШЛАРИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 20 МАРТГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(Процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Барча экин майдонларини ҳайдаш	Далага маҳаллий ўғит чиқариш	Бошоқли ғалла экинларини экиш
Оққўрғон	53,7	22,5	3,3
Оҳангарон	36,5	7,1	2,0
Бекобод	45,5	12,9	—
Бўка	39,4	5,2	2,7
Верхне-Волинск	48,5	10,5	—
Юқоричирчиқ	43,7	10,3	3,3
Гулистон	40,0	6,0	1,0
Калинин	80,9	23,1	2,5
Қорасув	72,5	6,6	*)
Мирзачўл	39,8	9,6	8,3
Қуйичирчиқ	63,9	2,6	*)
Октябрь	34,2	22,0	6,4
Орджоникидзе	87,4	37,0	5,0
Паркент	15,9	35,7	5,8
Пискент	42,0	5,2	3,5
Ўртачирчиқ	53,3	12,6	0,9
Сирдар'ё	53,3	11,0	*)
Тошкент	70,9	9,6	1,3
Ўртасарой	64,9	9,0	—
Ҳовос	40,4	0,5	12,9
Чиноз	40,8	27,4	14,0
Янгийўл	32,6	12,7	5,8
Область бўйича	47,6	13,6	4,9

*)Планли топшириқ берилмаган.

МАСТЕРЛАРНИНГ РОЛИНИ ЯНАДА ОШИРАЙЛИК!

Мастер—ишлабчиқаришда марказий фигурадир. Саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш учун бошланган кураш мастерларнинг ролини янада оширишни талаб қилади. Биз қуйида айрим мастерларнинг иш тажрибалари ҳақидаги материалларни босаётирмиз.

☆

Резервлардан тўла фойдаланишга эришайлик

Н. ТУПИЧЕНКО.

«Таштекстильмаш» заводининг мастери.

Остов—тўқув машиналарининг асосий қисмларидан бири. Агарда ана шу қисм бўлмаса, йигув цехи ишлайолмайди. Лекин, остов тайёрлайдиган механика цехи сўнгги ойларда бутун ишни орқага сурабошлади. Натижада йигув цехи ўз планини бажаролмай қолди. Тўқув машиналари ишлабчиқариш планининг бажарилишини та'минлаш мақсадида остов тайёрлаб берадиган механика цехи 5-нчи механика цехига қўшилди. Янги участкaнинг нормал ишлашини та'минлаш учун бирқатор амалий чораларни кўриш зарур эди.

Коллективнинг бутун э'тибори мавжуд ички имкониятлар ва резервлардан максимал фойдаланишга қаратилди.

Цехда учта кучли пардозлаш станоги тўрт йилдан буён бекор турган эди. Айтишларига қараганда, станоклар жуда эски бўлганидан уларни ишга солиш учун иқтисодга кўп бош қотириш зарур эди. Шунинг учун ҳам бу масала бутунлай э'тибордан четда қолиб кетган. Лекин, биз бу ҳолнинг давом этишига йўл қўймадик. Аввало, уларнинг «эски»лигини билиш учун, яхшилаб текшириб кўрдик. Тўғри, бу кўп меҳнат талаб этади: бир катор қисмлари етишмайди, кўпгина детальларни алмаштириш керак. Лекин, станоклар яроқли. Шундай қилиб, коллектив а'золарининг ёрдами блан қисқа вақт ичида зарур қисм ва детальлар тайёрлаб, бу уч станокни ишга солдик. Натижада пардозлаш станокларининг ишлабчиқариш қуввати уч ҳиссага яқин ошди.

Ишланаётган деталь бутунлай ишловдан чиқарилмоғи учун ҳадеб у станокдан бу станокка икки-уч марта олиб ўтилиши натижасида, яқин 850 метр йўл босилар эди. Бу, эса жуда кўп вақт талаб қилишидан ташқари, шу иш блан 6 кишини банд бўлишга мажбур этарди. Шунинг учун ҳам участкадаги станоклар қайтадан жойлаштирилди. Энди деталь у станокдан бу станокка бирнеча марта олиб ўтилмайди, — кетма-кет ишлов берилади. Бу тадбир ишлабчиқариш унумини анча ошириш блан детальларни станокдан-станокка олиб боришда банд бўлган 4 кишини бошқа ишларга тайинлаш имконини берди.

Кўпгина станоклар модернизациялаштирилди, эски, ишдан чиқиб қолган детальлари янгилари блан алмаштирилди. Кам қувватли моторлар ўрнига кучли моторлар ўрнатилди. Ана шу тадбирлардан кейин мавжуд станоклардан 2 баравар кўп маҳсулот олинабошланди.

Цехда меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, ишчи жойларини намунали ташкил этиш, ишчиларнинг малакасини тинмай ошириб бориш, технология процессларини ихчамлаштириш соҳаларида ҳам кўпгина ишлар қилинди.

Лекин, ишга солинмаган ички имкониятлар ҳали жуда кўп. Биз мавжуд резервлардан тўла фойдаланиш учун бутун чораларни кўрмоқдамиз. Ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг яқиндан ҳамкорлик қилиши бу соҳада катта ёрдам бераётир, шу кунларда ишчилар, биз-мастерларга айниқса кўп саволлар блан мурожаат этмоқдалар. Чунки, уларнинг қалби, бутун дун'ё меҳнаткашларининг байрами куни 1 Майни муносиб кутиб олиш ҳисси блан тўлиб-тошган. Уларга яқиндан ёрдам бериш бизнинг шарафли вазифамиздир.

☆

Ишчиларнинг активлиги ошмоқда

Ш. МУТАЛОВ.

Тошкент тўқимачилик комбинатидаги 2-нчи йигирув-тўқув фабрикасининг инженер-технологи

Ленинграддаги С. М. Киров номли «Электросила» заводи коллективининг мавжуд ишлабчиқариш майдонини кенгайтирмасдан маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш ҳақидаги чақириғи фабрикамиз тўқучилари орасида кенг ташаббус қўзғатди. Улар ички имкониятларни излаб топиш ва ишлабчиқариш резервларидан максимал даражада фойдаланиш соҳасида зўр активлик кўрсатаётирлар.

4-нчи тўқучилик цехидаги 8-нчи участка фабрикaнинг илгор участкаларидан ҳисобланади. Унда 8 комплект бор. Ҳарбир тўқучи камида 24 станокда хизмат қилади. Тўқучилар комбинатнинг илгор ишчиси Евдокия Федоровна Визгаловaнинг рационал иш методини ўрганиш ва уни ривожлантириш асосида кўп-станокчилик ҳаракатини тобора кенгайтирмоқдалар. Ҳозир кўпгина тўқучилар 32 тадан станокни бошқарабошладилар.

Яқинда участкадаги 140 станок тезкорлик блан ишлашга ўтказилди. Мастер ёрдамчиси Ҳасан Сулаймонов ташаббуси блан бошланган бу ҳаракат маҳсулот ишлаб чиқаришни анча ошириш имконини берди. 8-нчи участканинг фақат бир сменаси февраль ойида пландан ташқари 3 минг метр газлама ишлаб берди.

Тўқучилар мастерлар ва уларнинг ёрдамчиларига турли саволлар блан мурожаат қилиб турадилар. Уларнинг барча талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш, ўйлаган ишини охиригача етказишда яқиндан ва кенг ёрдам бериш — мастер ва мастер ёрдамчиларининг жонажон ишидир. Уз зиммасига юклaнган ана шу мас'улиятли вазифани тўғри англаб, тўқучилар блан яқиндан алоқа қилиб турадиган, уларга ҳартомонлама ёрдам берадиган мастерларимиз жуда кўп. Лекин, айрим мастер ва мастер ёрдамчилари бу масалага юзаки қараётирлар. Улар, фақат ўзларининг қурби етадиган масалаларгагина э'тибор бериб, бошқа саволлар блан шахсан инженер ёки технологларга мурожаат этаберинглар, деб новаторлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ҳақида камдан-кам ўйлайдилар. Натижада жуда зарур ташаббус кўпинча бутунлай э'тиборсиз қолиб кетади.

Ишчиларнинг активлигини ҳартомонлама ошириш, ҳарбир ташаббусни тезда ва кенг амалга ошириш учун кураш — ҳарбир мастер ва унинг ёрдамчиси, инженер, механик, технолог, конструктор, электротехникнинг кундалик ишида асосий ўринни эгалламоғи зарур.

Станоклар бетўхтов ишласин

М. ҒУЛОМОВ.

Тошкентдаги «Шарикоподшипник» заводининг старший наладчиги

Станок жуда нозик бўлади. Ишчининг ҳарбир ножўя ҳаракати, э'тибосизлик блан ишлаши станокнинг тез ишдан чиқишига сабабчи бўлади. Лекин, станокни муҳаббат блан ўз вақтида парваришлаб турсангиз, сезилган ҳарбир камчиликни тезда бартараф этсангиз, у сизга шунчалик яхши хизмат қилади.

Мен бошлиқ бўлган участкада 10 киши ишлайди. Пардозловчилардан Шарофат Муротова, Зинаида Виноградова, Абдулла Раззоқов ўртоқлар кунда икки-уч норма бажараётирлар. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўз кунлик нормасини доимо ошириб бажаради. Бундай юқори меҳнат унумига, асосан, станокларнинг бетўхтов ва тўла куч блан ишлаши орқали эришдик.

Биз станокларни парвариш қилишга жуда катта э'тибор берамиз. Шу мақсад блан махсус график тузмдик. Бунда қайси станокни қачон ва қай жиҳатдан синчиклаб текшириш зарурлиги кўрсатилган. Графикка асосан, станокларнинг айрим кўп ишқаланучи қисмлари тез-тез мойланиб турилади.

Участкамиздаги ҳарбир киши ўз станогини ҳартомонлама яхши билади. Унинг қандай ишлаётганини ҳатто, станокнинг овозига қараб ҳам аниқлайолади. Чунки, унинг тузилиши ишчиларга беш бармоқдек ма'лум. Улар, бунинг учун махсус бирор мактабда ўқиганлари йўқ, бунга ўз устида ишлаш, станокнинг ишн ва тузилишига оид китобларни ўрганиш туфайли эришилди.

Ҳар сменанинг охирида, иш процесси давомида сезилган камчиликлар ҳақида, гаплашиб, эртаги сменада қилиниши лозим бўлган ишларнинг режасини тузиб олиш бизга одат бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам участкамиздаги станокларнинг биронтаси иш вақтида бузилиб қолмайди.

Суратда: «Чирчиқсельмаш» заводи асбобсозлик цехининг мастери ўртоқ **Б. Шевченко** (ўнгда) разметчик ўртоқ **Б. Нуралиев**га детальларни ўлчаб қириқиш йўлларини тушунтириб бермоқда. Ўртоқ Нуралиев шу кунларда смена нормасини 280 процентга етказиб бажараётир. **В. Салов** фотоси.

☆

Технология процессини чуқур ўзлаштирайлик

М. МА'ДИЕВ.

Тошкентдаги чинни заводининг VII разряд мастери.

Кўпдан буён мени бир муҳим масала, қизиқтирар эди. Нима учун бир хил разрядга эга бўлган икки ишчи бир хил шароитларда турлича ишлайдилар? Ахир, ҳар иккаловида ҳам янги станок-ку, шундай экан, нимага бири, айтайлик, тошпирикни 110 процент бажарса, иккинчиси 200 процентга етказиб ишлайди.

Шу мақсадда цехимиздаги ишчиларнинг ишини бир неча кун диққат блан кузатиб бордим. Ишдан кейин қолиб станокларни текшириб кўрдим. Шундан кейин менга масала аён бўлиб қолди. Ҳамма нарса ишчиларнинг етарли даражада малакага эга бўлишида экан.

Ишга яқиндагина келган Мурод Шоакбаров дастлабки кунларда кўпинча бракка йўл қўйди. Шундай бўлиши турган гап эди. Чунки қилаётган ишининг технологиясини тўла тушуниб олмагандан кейин, маҳсулотнинг брак бўлишига нималар сабабчи бўлишини билиш қийин, албатта.

Ишни аввало худди ана шу томондан бошладик. Ишчилар блан ҳар куни ишдан кейин қоладиган бўлдик. Мен уларга технология процесси ҳақида батафсил гапириб бердим. Қандай ишлаш ва иш давомида нималарга э'тибор бериш зарурлигини амалда кўрсатиб, тушунтириб бердим. Бундай учрашувлар кўп ўтмай тўғарак машғулотига айланиб кетди.

Унга цехимиздаги бошқа мастерлар ҳам актив ёрдам берабошладилар. Кўплашиб, ҳарбиримизнинг камчилик ва ютуқларимизни кенг муҳокама қилиб бордик. Илгор ишчилардан Иван Саковский, Али Содиқов ўртоқлар ўз иш тажрибалари блан ўртоқлашдилар.

Ана шундай иноқлашиб ўзаро ҳамкорлик блан ишлашимиз туфайли ишчиларимизнинг технология процессларини чуқур ўзлаштириб олишларига эришдик. Энди ишчиларнинг меҳнат кўрсаткичлари бир-биридан кўп фарқ қилмай қолди.

График асосида ишлаш учун курашамиз

И. ВОРОНОВ.

«Узбексельмаш» заводининг мастери.

Ишлабчиқариш участкасининг бир ме'ёрда ишлашини таминлашда график жуда катта роль ўйнайди. Қат'ий график — ишчининг, мастернинг ўз иши учун жавобгарлик ҳиссини оширади, уни тўла куч ва э'тибор блан меҳнат қилишга да'ват этади. Лекин, ба'зи ишчилар, мастерларимиз буни кўпинча эсларидан чиқариб қўймоқдалар. Бу мутлақо нотўғри.

Мен мастер бўлиб ишлаётган ремонт-механика цехида график асосида ишлаш одат бўлиб қолган. Мабодо бирор ишчи графикдан сал орқада қолса, дарров бутун э'тибор ана шу ишчига қаратилади. Станокни текшириб кўрилади, камчилиги бўлса, шу заҳотиёқ тузатилади. Ишчи резецини чархлаш, ёки инструмент келтириш учун иш вақтида овора бўлмайди. Чунки зарур бўладиган ҳарбир нарса сменадан олдин тайёрлаб қўйилади. Умуман, график асосида ишлаш учун бутун зарур чоралар олдиндан кўрилади.

Қат'ий график асосида ишлаш туфайли цехда яхши муваффақиятларга эришдик. Коллективимиз СССР Олий Советига сайлов шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, бирқатор мажбуриятлар олган эди. Биз бу мажбуриятларимизни шараф блан бажардик. Монтажчилар бригадаси пардозлаш участкасидаги станокларни қайтадан жойлаштириб, ўша илгариги майдоннинг ўзига яна битта янги станок ўрнатдилар. Қозончилар заводдаги вагранка — ўчоқни капитал ремонтдан чиқариш учун ички резервлардан фойдаланиб, янги каркас ясадилар. Ҳозир вагранка янгиланмоқда. Ундан ташқари электродларни мойлаш учун пресс тайёрлаб берилди.

МАСТЕР

Зоя цехга келганида, сменанинг бошланишига ҳали ярим соатдан кўп вақт бор эди. Шунга қарамай, шошилинч халатини кийиб, ён дафтарчасини варақлайбошлади. У, бугун нималар қилиш керaклиги ҳақида кечаёқ тегишли режалар тузиб қўйган эди. Чунки, шу вақтга қадар фойдаланилмай келинган ички имкониятлар ҳамда ресервларни излаб топиш, улардан максимал даражада фойдаланиш кўп жиҳатдан мастернинг олдиндан кўриб иш тутаолиши, ташаббус ва активлик кўрсатишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам смена мастери Зоя Дикова ишдаги ҳарбир камчилик, ҳарбир эҳтиёжни тўла ҳисобга олиб, ўз вақтида чора кўришга одатланиб қолган.

Кеча участкaнинг ишида бир қатор камчиликлар юз берди. Чунончи, тўқучи Люба Омельченко станокларнинг ишига етарли э'тибор бермаслиги натижасида, газлама сифатининг пасайишига йўл қўйди. Хўш, қайси станок ёмон ишлади? Мана, Антонина Олейникова фамилиясининг остига қизил қалам блан иккі марта чизиб қўйилган. Нега? Аҳа, унинг 6 станоги кўп вақт бекор турган. Қайси станоклари экан? Чап томондаги биринчи қатори. Қани, кўрайличчи, аввалги сменаларда ҳам шундай бўлганмиз?.. Энди, бугунги мўлжал қанча? Ҳар станокдан илгаригига қараганда 40 метрдан кўп газлама олиш керак; бунинг учун неча калава қўшимча ип сўраш зарур?

Зоя ён дафтарчасидаги режалари блан яхшилаб танишиб чиққач, аввало қайсибирдан бошлаш кераклигини белгилаб олди-да, участкаси томон юрди.

Цехда иш қизғин давом этмоқда эди. Тўқув машиналарининг шовқуни остида бошқа ҳечнарсани эшитиб бўлмайди. Ҳамма ўз иши блан банд. «Комсомолец» деворий газетасининг навбатдаги сони чиқипти. Унда 8-нчи участканинг иши ҳақида ёзилганку. Қани нима дейишган? Яхши. Камчиликларни ҳам жуда тўғри кўрсаташган. Уларни тезда йўқотиш лозим.

Зоя кетаётган йўлида ана шу ҳақда жиддий ўйга чўмди. Малакани ошириш, илғорлар тажрибаси... Лекин кўп ўтмай унинг хаёлини мастер ёрдамчиси Ҳасан Сулаймонов бўлди. У ҳам шу ерда экан, Самимий сўрашгач, маслаҳатлашиб олиш учун яқиндаги бир бўлмага киришди. Зоя унга ўз режалари ҳақида бирма-бир гапириб берди. Иккалови биргалашиб, айрим масалалар юзасидан қўшимча тузатишлар киритишди.

Мана 8-нчи участка. Станокларнинг ҳаммаси ишлаяпти, шекилли. Йўқ. 3-нчи комплектда учта станок тўхтаб қолган. Ана, тўқучининг ўзи иккитасини юргизиб юборди. Энди учинчисини кўздан кечираяпти. Лекин, нега мана бу станокларга ҳечким э'тибор бермаётир. Зоя механикни қидирди, лекин механик яқин-ўртада кўринмагани учун, тўқучини чақирди. Унгача станокларнинг биттасини ўзи юргизиб берди.

— Станокларга тез-тез қараб туриш керак. Кўп ўйлайберманг, ҳаммаси жой-жойига тушиб қолади, — ҳазиллашди. Зоя, тўқучининг қулоғига бақириб ва унга муваффақият тилаб, Олейникова ишлайдиган комплектга ўтиб кетди.

Антонина Олейникова ишга яқиндагина келган тўқучи. Ҳали тажрибаси кам. Лекин, жуда гайратли, зеҳни ўткир қиз. У ҳозир 24 станокни бошқармоқда. Дастлабки кунларда смена топшириғини тўла бажаролмай, анча қийналди. Уни Евдокия Визгалованинг иш тажрибаси блан таништириб, кундалик ишига жиддий э'тибор бериб турғандан бери анча дуруст ишлайдиган бўлиб қолган эди. Нормасини ҳам бажарарди. Лекин,нима учундир, кечаги иш натижаси аввалдагилардек кўнгилли бўлмади. Станоклардами айб, ёки ўзи бепарволик қилдими.

Мастер, тўқучи Олейникова комплектдаги бутун станокларни кўриб чиқди. Иккитаси тўхтаган. Худди ўша биринчи қатордаги станоклардан. Аммо бошқалари жуда равон ишлаяпти. Демак, смена ишга тушганида ана шу иккитасига, ундан кейин учинчи комплектдаги ҳалиги уч станокларга тез-тез қараб туриш керак. Бу — иш вақтидаги биринчи вазифа.

Дикова станокларни кўздан кечириб бўлганидан кейин навбатдаги ишлар блан шуғулланабошлади. У станокларга қараш графиги блан танишиб чиқди. мўлжалдагича газлама тўқиш учун қанча калава берилиши ҳақида заявка берди. Камчиликлар ведомостини тузишда унга нималарни киритиш тўғрисида ёзиб қўйди.

Участкадаги станокларни тезкорлик блан бошқаришга ўтилганига қарийб 15 кунча бўлган эди. Шу вақт ичида тажриба учун ўтказилган 140 станокнинг ҳаммаси жуда яхши ишлади. Тўқучиларнинг иш унуми илгаригига қараганда анча ошди, маҳсулотнинг сифати ҳам яхшиланди. Лекин, бу блан қаноатланиб бўлмас эди, албатта. Станокларнинг тезлигини бундан буён ҳам имкони борича ошириш зарур эди.

Смена мастери Зоя Дикова ана шу ҳақда цех бошлиғи Иван Тимофеевич Карпов блан маслаҳатлашгани кирди. Мастернинг ғайрати, ташаббускорлиги ва бир сўзли эканлигини яхши билган цех бошлиғи унинг гапларини яхши тинглаб, бу ишини ма'қуллади. Лекин, Зоя ўйлаганидек бирданига ҳамма станокни эмас, аввало уч станокни тезкорликка ўтказишга рухсат берди.

Бугун илгаригидан ҳам ортиқроқ тезкорлик блан ишлаш ҳақидаги гап тез орада участкaнинг бутун а'золарига етди. Ҳамма қувонган, қабул қилиб олаётган станокларини одатдагидан ҳам зўр муҳаббат блан синчиклаб текширишга киришди. Буни кўрган Зоя, уларнинг руҳини тушириб қўймаслик учун, рухсат фақат уч станокка берилганини ҳечкимга айтмади.

... Смена ишга тушди. Ана, Антонина Олейникова ўз станокларини юргизиб юборди. Тўқучи Люба Омельченконинг станоклари ҳам баралла ишлай кетди. Лекин, нима учундир у бугун хафароқ кўринади. Зоя дарров унинг олдига келди.

— Люба, нима гап? Тинчликми, соғлиғинг жойидами, — ташвишланиб сўради у Любадан.

Люба кулимсираб, чап қўлининг бош бармоғини кўрсатди-да, унинг қўлини қаттиқ қисиб қўйди.

Мастер участкани айланабошлади. Ҳамма ўз жойида. Станоклар ҳам тўхтамай ишлаяпти. Тўқучилар етарли материал блан та'минланган. Лекин, ҳалиги беш станок қандай ишлаётганикин? Яхши.

Зоя участкада ишнинг нормал бошланганига ишонч ҳосил қилгач, Ҳасан Сулаймоновнинг олдига борди ва у блан ма'ноли қарашиб олгач, ўзаро гаплашиб кетаётган кишилардек бўлиб, секингина тўқучилардан Лида Брянцевaнинг олдига боришди.

Сменани қабул қилиб олиш вақтида Лида ишлаётган комплектдаги уч станок 8 оборот тезроқ ишлайдиган қилиб қўйилган эди. Буни ҳатто Лиданинг ўзи ҳам сезмаган. Лекин уларнинг шовқини бошқалардан ажралиб турарди. Лида ҳам, кейинроқ эса бошқа тўқучилар ҳам буни тезда пайқаб қолдилар.

Биринчи тажриба яхши натижа берди. Уч станок ҳам бетўхтов ва текис ишлади. Сменада улардан аввалдагига қараганда бирнеча метр кўп газлама олинди.

Смена ўз ишини тамомлагач, тўқучилар қилинган иш қандай бажарилгани ҳамда қандай камчиликларга йўл қўйилганини билиш ва эртаги кунги ишлар ҳақида маслаҳатлашиб олгани тўпланганларида ,смена мастери Зоя Дикова тажрибанинг якуни блан таништирди.

— Дўстларим, бугун 3 станокни оширилган тезликда ишлатиб кўрган эдик. Уччалови ҳам жуда текис ишлади. Энди 140 станокни оширилган тезликда ишлатишимиз мумкин. Шунда ҳар сменада илгаригидан 40 метр кўп газлама ишлаб берамиз.

М. РУСТАМОВ.

СССР Ташқи Ишлар Министрлигида

Шу йил 20 мартда СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари В. А. Зорин Грециянинг Москвадаги Элчиси Контумас жанобларига қуйидаги мазмунда нота топширди:

«Совет Ҳукумати ўзининг 1953 йил 26 октябрьдаги нотасида Греция Ҳукуматининг э'тиборини шу нарсага жалб қилган эдики, Греция территориясида Америкaнинг ҳарбий базаларини қуриш ҳамда Шимолий атлантик блокининг планларига мувофиқ Греция территориясидаги темир йўллардан ва бошқа йўллардан фойдаланиш тўғрисида Греция блан Америка Қўшма Штатлари ўртасида 1953 йил 12 октябрьда имзоланган Битим тинчликни сақлаш манфаатларига қарама-қаршидир ва Греция Ҳукуматининг янги уруш тайёрлашга бевосита қаратилган тадбирларни амалга оширишга киришганлигидан далолат беради.

Кейинги вақтлардаги фактлар Совет Ҳукуматининг бу айтганлари тўғри эканлигини та'кидламоқда.

Э'лон қилинган ма'лумотлардан четэл қуролли кучларининг иштироки блан Греция территориясида катта ҳарбий маневрлар ўтказилганлиги, Америка Қўшма Штатлари ҳарбий қўмондонлиги вакилларининг инспекция мақсадида Грециянi кезиб чиқганлиги, Америка ҳарбий кемалари катта қўшилмалари Греция портларига тез-тез келиб тураётганликлари, Грециядa Америка томонидан қурол-яроғ етказиб бериш кенг авж олаётганлиги ва Греция территориясида америка ҳарбий базалари зўр бериб қурилаётганлиги ма'лум бўлди.

Шу муносабат блан Крит оролида ҳарбий-денгиз ва ҳаво флотлари учун америка базаси тез сур'атлар блан қурилаётганлиги тўғрисидаги, шунингдек Эгей денгизида, Крит—Лемнос—Дарданел линиясига яқин жойдаги грек оролларида америка бомбардировкачи ва разведкачи авиацияси учун асосий базалар қурилмоқчи бўлганлиги тўғрисидаги хабарлар э'тиборни жалб қилади. Шу блан бирга, ҳарбий-денгиз базалари ва ҳаво базалари Эгей денгизидаги оролларда, я'ни Италия блан тузилган Сулҳ Шартномасига мувофиқ демилитаризация ҳолида қолдирилиши лозим бўлган оролларда (Родос, Калки, Касос ва бошқа оролларда) ҳам қурилмоқда.

Тинчликни сақлаш манфаатларига қарама-қарши бўлган бу тадбирларни Греция Ҳукумати халқаро кескинликни юмшатиш ва шу мақсад блан Европа давлатлари тегишли чоралар кўриши зарурлиги тўғрисидаги масала тобора кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб қолаётган бир пайтда амалга оширмоқда.

Греция Ҳукумати ўзининг 1953 йил 10 ноябрьдаги нотасида, мазкур Греция-Америка битими Грециянинг хавфсизлигини та'минлашга интилишини кўзда тутиб тузилган ҳамда Болқондаги тинчликка ва хавфсизликка қарши қаратилмаган, деб айтган эди. Бироқ, бу гаплар юқорида келтирилган фактларга бутунлай қарамақарши бўлиб қолмоқда. Грециядаги ба'зи расмий вакилларнинг ҳарбий тайёргарликни кучайтиришга чақириб, яқинда айтган гаплари ҳам шуни кўрсатиб турибди.

Совет Ҳукуматининг 1953 йил 26 октябрьдаги нотасида айтиб ўтилганидек, Грециядa ҳечким таҳдид қилаётгани йўқ ва унга ҳечким ҳужум қилмоқчи эмас.

Совет Иттифоқига келганда, Греция Ҳукуматига шу нарса шак-шубҳасиз ма'лумдирки, СССР давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва тинчлик сиёсатини оғишмай ҳамда изчиллик блан ўтказиб келмоқда. Бу нарса Совет Ҳукумати томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қилинган тегишли таклифларда ва бундан ташқари, Европада коллектив хавфсизлик масаласи тўғрисида Совет Ҳукуматининг кейинги таклифларида ўз ифодасини топди. Греция Ҳукуматига яна шу нарса ҳам ма'лумки, Греция блан муносабатлари шу дамгача тўла ҳал қилинмаган Болқон давлатлари Греция блан ўзининг муносабатларини нормаллаштиришга тайёр эканликларини кўрсатмоқдалар, бу эса, Болқонда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беражак.

Юқорида айтилганларга биноан, шу нарса яққол кўриниб турибдики, Греция блан Америка Қўшма Штатлари ўртасида ҳарбий битим тузилганлиги Болқонда тинчликни мустаҳкамлаш йўлига тўсиқлар соладики, Совет Иттифоқи бу блан ҳисоблашмаслиги мумкин эмас.

Сўнгра, Греция Ҳукуматининг нотасида, грек халқи тинчлик ва мустақиллик шароитида мамлакатни тиклашга ўзини бағишламоқчи бўлганлиги кўрсатиб ўтилади. Совет Ҳукумати грек халқининг тинчликни мустаҳкамлашга манфаатдор эканлигига ва шунга интилаётганлигига шак-шубҳа қилмайди. Бу нарса шундан ҳам кўриниб турибдики, Грециянинг ўзида жамоатчиликнинг кенг доиралари мазкур битимни қоралаб, бу битим Грециянинг миллий суверенитетини ва мустақиллигини қўпол равишда бузишидир ва унинг хавфсизлигига таҳдид туғдирмоқда, деб ҳақли равишда кўрсатмоқдалар.

Шу айтилганларга биноан, Совет Ҳукумати Греция Ҳукуматининг э'тиборини шу нарсага яна жалб қиладики, мазкур ҳарбий тадбирларни амалга ошириш оқибатлари учун жавобгарлик тамомила Греция Ҳукуматининг устига тушади».

А. Контумас жаноблари мазкур нотанинг текстини Греция Ҳукуматига топширишга ва'да берди.

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

Аризамиз қачон тортмадан чиқади?

Бизнинг «Янгийўл» маҳалламиз Киров районининг марказий, аҳолиси қалин маҳаллалардан бири ҳисобланади. Унинг 70 процентдан ортиқ аҳолиси «Трактор» ва «Қизил карвон» кўчаларида яшайди.

Биз бу ерда шу маҳалланинг ободончилиги ҳақида гап очмоқчимиз. Шуни айтиш керакки, район ижроия комитетининг раҳбарлари ҳам, шаҳар ижроия комитетининг ходимлари ҳам бизнинг маҳалламизга тузук назар солмайдилар. Қанчадан-қанча аҳолиси бўлган бу маҳаллада ободончилик ишлари жуда ёмон аҳволда. Ҳали шу кунгача кўчаларга тош терилмаган, жилла бўлмаса шағал ётқизилмаган, йўлка йўқ. Мана шунинг учун ҳам маҳалла ёзда чанг-тўзон, қишда лой-ботқоқ бўлади. Маҳалла аҳолиси қишда ўтин, кўмир ортилган машина ёки аравани ўзининг эшиги олдигача ҳайдатиб бораолмайди, «Чемпион» кўчасида қолдиришга мажбур бўлади, келтирган нарсасини 300—400 метр узоқликка қўлда ташийди.

Бу бир бўлса, иккинчидан, «Чемпион» кўчасидаги 5-нчи мактабга қатновчи болаларнинг кўпчилик қисми «Трактор» кўчасидан. Улар қиш кунларида мактабга бемалол бораолмайдилар, лой тиззагача чиқади, юриш ниҳоят қийинлашади. Бунинг устига водопровод калонкаси «Чемпион» кўчасида бор, холос. «Трактор» ва «Қизил карвон» кўчаларининг аҳолиси лой кечиб, мана шу водопроводдан сув олиб кетади.

Маҳалладаги мачит биноси аҳолининг талаби блан 1922 йилдаёқ «Рабземлес» комсомол ташкилотига берилган эди. 500 кишидан кўпроқ а'зога эга бўлган комсомол ташкилоти 1935 йилгача шу бинодан фойдаланиб келди. Сўнгра бинода Киров район кутубхонаси очилди. Кутубхона 1943 йилгача ўз ишини давом этдирди. Шундан кейин бинонинг асосий қисми райпромкомбинатнинг тўқув цехига ўтиб кетди.

Бу бинонинг бир бўлагида маҳалла қизил чойхонаси бўлиб, маданий-оқартув ишлари олиб борилар, активлар тўпланар, маслаҳат, йиғилишлар ҳам шу ерда ўтказилар эди. Нима ҳам бўлди-да, 1953 йилнинг бошларида шу қизил чойхона ҳам райпромкомбинатга олиб берилди. Маҳалла аҳолиси ҳам чойхона, ҳам клуб ўрнида фойдаланиб келаётган сўнгги таянч пунктидан айрилиб қолди. Райпромкомбинат раҳбарларининг айтишига қарасанда бу тўғрида Киров район ижроия комитетининг қарори бор эмиш. Лекин райпромкомбинат раҳбарлари ҳам, район ижроия комитетининг раҳбарлари ҳам у қарорни бизга кўрсатгилари келмайди.

1953 йил март ойида маҳалла активларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш райпромкомбинатга тортиб олиб берилган чойхонани қайтариб бериш, уни клуб қилиб тиклаш, «Қизил карвон», «Трактор» кўчаларига шағал тўкиш, йўлкалар қилиш, водопровод қуриб бериш тўғрисида қарор чиқариб, уни район ижроия комитетига топширди. Бу қарорга ҳа деганда жавоб бўлмади. Шундан кейин биз ўзимиз район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Нуриллаевга бирнеча марта мурожаат этдик. У ҳаргал:

— Кетаберинглар, мен ўзим маҳаллага бориб ишларингизни ҳал қилиб бераман, — деб жавоб қилди. Аммо алдади, қайтиб ўзини кўрсатмади. Охири у, маҳалламиз масаласини ўзининг ўринбосари ўртоқ Шуваевга топширганлигини айтди. Ўринбосар эса Нуриллаевга ўхшаб арқонни узун ташлаб юрмади-да, гапни қисқа қилди:

— Бино райпромкомбинатга берилган ,— деди у, — унда маҳалланинг ҳақи йўқ. Агар клуб учун бино керак бўлса маҳалла активининг ўзи қуриб олаберсин, биз унга қаршилик қилмаймиз.

Ана шу кесатиқ-ачитиқ гаплар блан иш тамом бўлди, на кўчалар тузатиладиган бўлди-ю, на водопровод қуриладиган бўлди!

Нуриллаев ва Шуваев ўртоқлардан натижа чиқмагач, биз ўтган йил май ойида шаҳар ижроия комитетига мурожаат қилдик. Маҳалламизга вакиллар юборилди. Улар ҳам ба'зан Шуваевнинг ёрдами блан такрорлаб, ба'зан хилма-хил ва'далар бериб жўнаб кетдилар. Шундан кейин яна сув қуйгандек жимлик бошланди. Биз аризамизнинг оқибатини сўраб, шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Косинов қабулхонасига беш марта бордик. Лекин ҳаргал «аризангиз ҳали кўрилгани йўқ» деган жавоб олдик. Ариза берганимизга яқинда бир йил бўлади. Жавоб ҳамон «эртага келинг-индига келинг».

Ажабо, район ва шаҳар ижроия комитетларининг раҳбарлари нима учун бизнинг ҳақли талабимизга қулоқ солмайдилар, аризамиз қачон тортмадан чиқади?

Маҳалла меҳнаткашларидан:

К. Шермуҳамедов,
Ғ. Турсунов,
С. Бекматов,
Л. Ёқубов,
Н. Абдураззоқов.

Бадиий ҳаваскорлар тўгараги ташкил этилсин

Ховос районининг меҳнаткашлари, айниқса ёшлари дам олиш вақтларини концертларда, бадиий кечаларда ўтказишни истайдилар. Район қишлоқ хўжалик ходимлари, интеллигентлари ва комсомол ёшлари орасида яхшигина ҳаваскор ашулачилар, лапарчилар, ўйинчилар оз эмас. Аммо буларни бир тўгаракка бирлаштириб тарбиялашдек катта аҳамиятга эга бўлган ишга Ховос район маданият бўлимининг мудири ўртоқ Ашуралиев жиддий э'тибор бермай келаётир. Район бадиий ҳаваскорлари тўгарагини очиш, уни раҳбар ходимлар блан та'минлаш зарур. Район меҳнаткашлари ҳаваскорлар тўгарагини очиб, аҳолига маданий хизматни кучайтиришни талаб қиладилар.

Н. НАСРУЛЛАЕВ.

Охунбобоев қишлоқ Советидаги 22-нчи мактаб ўқитучиси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН.

Завод нима учун планини бажармаётир

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 21 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий материал босилиб, унда Мирзачўл шаҳридаги 1-нчи ва 2-нчи пахта тозалаш заводининг давлат планини бажармай келаётгани, завод партия ва касаба союз ташкилотлари ишчиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватламаётгани кўрсатилган эди.

Мирзачўл район партия комитетининг редакциямизга билдиришича, газета материали район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилинган. Унда кўрсатилган танқид тўғри топилиб, заводни қолоқликдан чиқариш учун амалий тадбирлар белгиланган. Корхона коллективининг 1954 йил ишлабчиқариш планини бажариши учун ички резервлардан тўла фойдаланиш, социалистик мусобақани қизитиш ва сиёсий-оммавий ишларни яхшилашда партия ташкилотига яқиндан ёрдам берилган.

Кўкламги дала ишларини оммавий равишда кучайтириб юборайлик!

☆ ☆

Ерларимиз унумдор, ҳосил мўл бўлсин!

Қуш тумшуғидан сирғаниб тушган бир дона ёнғоқни ер ўз бағрига олади. Вақт ўтиши блан унинг суяксумон қаттиқ қобиғини ёриб, худди ёнғоқ дарахтининг ғулига ўхшаш сариқ, мурғакгина ўсимлик ҳосил бўлади. Ер оналик меҳри блан кўчатнинг бўйига-бўй қўшади, қуёш ҳаётбахш нур эмизиб уни тоблайди... «Универсал» бурилаётганда босилавериб шибаланиб кетган уватта чигит тўкиб ўтганини кўрган бўлсангиз керак. Ана ўша чигит юмшоқ қаторга тушган чигитлар блан олдин-ма-кетин униб чиқади. Ерга уруғ тушдими, у албатта кўкаради, ҳосил беришга ҳаракат қилади. Улкан чодирдай бир-бирига туташ бўлган далаларнинг ҳосил бериши тўғрисида гап юритмоқчимиз. Тўғри, пайкалларнинг унумдорлиги бирхил бўлавермайди. Улардан мўл ҳосил олиш меҳнатга, фидокорликка боғлиқ.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдумалик Шерматов бошлиқ звено ҳар йили ҳам пахтадан юқори ҳосил олиб келади. Бултур 16 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топширилди. Звенонинг бу ерлари ба'зибир колхозларда нолиб айтиладиган «шароити оғир бўлган янги ерлар»дан эди. Шунга қарамай қаҳрамон бошлиқ азамат колхозчилар мўл ҳосил олишга эришдилар.

— Гап ишлашда, ишлаганда ҳам пешона тери тўкиб меҳнат қилишда, — дейди Абдумалик Шерматов, — янги ерга чиққанимизда звеномиз а'золарининг чин мақсади шундай бўлди. Пахтакорларимизнинг кучига-куч қўшган механизаторлар келиб ғайратимизни ошириб юборадилар. Биз бир мақсадни, ҳарқандай шароитда ҳам янги ерлардан юқори ҳосил етиштирамиз деган мақсадни дилга жо қилиб ишга киришдик. Шудгор сифатли бўлди, экиш вақтида ўтказилди, культивация, чопиқ даврида пахтакорлар блан универсальчилар ўзаро мусобақани кучайтирдилар, ғўза қониб сув ичди...

Абдумалик Шерматов айтмоқчи бўлган гапини ўйлаб бирдам жим қолди. У мулойим жилмайиб давом этди:

— Ба'зи колхозларда, узоққа бормай қўқолайлик, мана шу бизга қўшни бўлган Молотов номли колхозда ғўзани ўт қисиб қўяди... Бизнинг далаларда ўтни ғўза сиқиб чиқаради. Экининг илдизи товуқ панжасидай атрофга қулоч ёйса унинг пояси йўғон, бақувват бўлади. Ўз-ўзидан ма'лумки, ана шундай ғўза тупроқдаги озуқани кўпроқ олади, ўсимлик яхши семиради. Ер қанча яхши боқилса, у экинни шунча меҳр блан тўғризиб тарбиялайди. Маҳаллий ўғит бориб-бориб куч беради, минерал ўғит эса ғўза тапасига тез югиради...

Уста пахтакор мўл ҳосил олишдаги ўз тажрибаси тўғрисида сўзлар экан, ерга кўпроқ ўғит солиш кераклигини айтар эди. У бошлиқ звено а'золари бунга амал қилаётганликлари, қаҳрамон тили блан айтганда ерни семиртириб боқаётгани учун олинаётган пахта миқдори йил сайин кўпаймоқда. Ўтган йил гектаридан 40 центнердан ҳосил олинди.

— Бу йил, — дейди Абдумалик Шерматов, — чамалаб қўйдик, ҳосилимиз 60 центнердан кам бўлмайди...

Звено бошлиғи айтган бу сўзларда қат'ийлик, ишонч сезилиб турарди. Кузда қилинган сифатли шудгор, дала ўвотларида тўп-тўп бўлиб тупроққа ўраб қўйилган, қизиб ётган маҳаллий ўғит, чигит экишга шайланиб турган универсаллар, ҳаммасидан ҳам муҳими—ғайратга тўлган, қалби она-Ватанга кўпроқ «оқ олтин» етказиб бериш ҳисси блан тўлиб-тошган азамат пахтакорлар ўз ерларининг унумдорлигини оширган эканлар, ундан албатта мўл ҳосил оладилар.

Абдумалик Шерматов ўз сўзида тилга олган Молотов номли колхознинг ерларида ҳали у жойларда канал бўлмаган пайтларда Янгийўл район колхозларининг чорва моллари боқиларди, баҳори дон экиларди. Азамат кишиларимиз бу ерларга сув олиб келдилар. Қақроқ адрларга жон киритилди. Халқ кучи, бардошлик меҳнати туфайли чўл қиёфаси ўзгарди. Партия, ҳукуматимиз зўр меҳрибонлик блан кундалик ёрдам бердилар, тўппа-тўғри кўчалар олинди, ана шу кўчаларнинг икки томонида чиройли бинолар қад кўтарди. Халқ обод қилган янги қишлоқ — «Халқобод» деб ном қўйилди. Молотов номли колхоз шу Халқобод қишлоғига жойлашган...

Молотов номли колхознинг ерлари Бўзсувнинг у қирғоғида бўлса, Ворошилов номли колхоз далалари бу томонида.

— Қўшнимизнинг ерларини янги деб айтолмаймиз, — дейди Назарали ота Ниёзов қунботар томонга ишора қилиб, — негаки, бағрига сув текканига етти-саккиз йилдан ортди. Давлатимиз бераётган ўғит уларнинг ерини ҳам кучайтираяпти. Лекин ишлашга келганда ақиллик йўқ. Қайси куни ўша томонга ўтиб қолдим, олмазор боғлари ёнидаги катта бир пайкалда ҳали ҳам ғўзапоя юлинмай турипти...

— Ақиллик йўқ деганимнинг боиси ҳам шу эди-да, — Назарали ота сўзда давом этди, — бир центнер ҳосил учун қанча-қанча тер тўкамиз, кечаси бедор бўлиб сув тутамиз, универсальчи қуёш яллиғини писанд қилмай ҳосилимизга-ҳосил қўшиб беради. Теримга келганда машинадан юз ўгирамиз. Октябрьда далага машина киритилганда, декабрьда қор чангаллаб кўсак терилмас эди. Далада ғўзапоя ҳам, сушилкада хом пахта ҳам саргайиб ётмаган бўларди.

Назарали ота ўз фикрини тасдиқлаш учун ҳаммавақт жонли мисол келтиришни яхши кўради. У мўл ҳосил етиштиришнинг йўлини кўрсатиш учун бизни ўз звеносига олиб борди. Қуёш нури сингиб ҳавр кўтарилаётган қўнғир ернинг тупроғи донадор бўлиб кўринарди. Бу далалар. га кузда етарли ўғит тушганлиги, талабга мувофиқ шудгор қилинганлиги сезилиб турарди.

— Мана шу пайкаллардан 70 центнердан пахта бермоқчимиз, — дейди ота, — еримизга ишонамиз, уни қиш ичи боқдик, тупроғида озуқа кўп...

Назарали ота бир сиқим нам тупроқни кафтида қисади, панжалар орасидан чиққан тупроқ кекса пахтакорнинг этиклари устига тушиб атрофга сочилади.

Отанинг звеносида тайёрланган ўғит ҳарбир гектарга камида 10 тоннаданга тўғри келади. Ворошилов номли колхознинг бошқа бригадаларида ҳам мўл ҳосил етиштириш учун шу зайлда тайёргарлик кўрилган. Коммунист Акбарали Султонов, комсомол а'золари Қудрат Қоражонов, Еқубжон Мадалиев ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари бу йил гектаридан 40—45 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олиб, кўкламга пухта тайёргарлик блан келаётирлар.

— Пахтакорларимиз, — дейди колхоз раиси ўртоқ Одил Норматов, — партия ва ҳукуматимизнинг республикамизда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорига амалий иш блан жавоб бериш учун курашаётирлар. Биз агрономлар ва колхозимизнинг уста пахтакорлари—Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Назарали ота Ниёзов, Тилла Тўронов, Абдумалик Шерматов ўртоқлар блан маслаҳатлашиб, ҳосилни кўпайтириш юзасидан беш йилга мўлжалланган план тузиб чиқдик. Бу план колхозчиларнинг умумий йиғилишида тасдиқланди.

Колхозимизда амалга оширилабошланган ана шу бешйиллик планга кўра биз ҳосилни йил сайин кўпайтирамиз. Ўтган йили 831 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнер пахта топширдик. Бу йил 40 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилдик. 1955 йилда ҳосил миқдори гектарига 43 центнерга етказилади. 1958 йилга бориб ҳарбир гектардан 50 центнердан пахта олиш тадбирларини амалга ошираётирмиз.

Биз ҳосилни тобора кўпайтириш блан ерларимизнинг унумдорлигини ҳам оширарамиз. Бу соҳада маҳаллий ўғитдан талабга мувофиқ фойдаланамиз.

Ворошилов номли колхоз а'золари бажараётган ҳарбир иш бошқа колхозларга, айниқса уларнинг қўшнилари бўлган Молотов номли, Фрунзе номли колхозларга намуна бўларлидир. Илғорлар тажрибасини ўрганиш, эрта баҳордан ҳамжиҳатлик блан ишга киришиб поёнсиз далалардан юқори ҳосил етиштириш пахтакорларнинг, механизаторларнинг жонажон ишидир.

Ерларимиз унумдор, ҳосилимиз мўл бўлсин!

С. МАҲКАМОВ.

Чиноз район Йўлтушган қишлоқ советидаги «Қизил Октябрь» колхозининг а'золари кўкламги дала ишларини кучайтириб юбордилар. Колхозда меҳнат яхши уюштирилган, колхозчиларга ўз вақтида аванс бериб турилмоқда. **Суратда:** (ўнгдан) колхоз кассири ўртоқ **А. Усмонов** колхозчи ўртоқ **Т. Ўтамуродовага** ишлаган меҳнат кунлари учун далада аванс-пул бермоқда.

М. Шевелев фотоси.

Мўл ҳосил учун кураш

Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли колхоз а'золари янги ерларни йил сайин кўпроқ ўзлаштириб, ана шу далалардан мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Колхозчилар. СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қароридан илҳомланиб, бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар. Улар ўзларининг бу мажбуриятларини шараф блан бажариш мақсадида ерларни чигит экишга сифатли қилиб тайёрламоқдалар. Далага маҳаллий ўғит чиқариш қизғин давом этдирилаётир.

Бригада ва звеналар ўртасида тузилган социалистик мусобақада ўртоқ А. Каримов бошлиқ бригада а'золари олдинда кетаётир. Бултур бу бригада пахта тайёрлаш планини анча ошириб бажарган эди. Бригада а'золари бу йил ҳар гектар ердан бултургига қарагандa 4 центнердан ошириб пахта етиштириш мажбуриятини олдилар.

Бригадада пахта майдони 15 гектарга кенгайтирилди. Бу ерларга ғўза парвариши вақтида солиш учун жуда кўп миқдорда маҳаллий ўғит тайёрлаб қўйилди. Колхозчилардан Т. Юсупова, К. Жўраева, У. Эрбўтаев ўртоқлар ўзаро мусобақалашиб, ер текислашда ва далага маҳаллий ўғит чиқаришда кундалик нормаларини ошириб адо этмоқдалар.

Охунбобоев номли колхоз а'золари бу йил чигитни эрта муддатларда, сифатли ишланган ерларга экиб олиш учун шу кунларда барча агротехника тадбирларини амалга ошираётирлар.

Ж. СУЛАЙМОНОВ.

Бу йил ҳам иш ёмон бораётир

Ўртачирчиқ район Пахтаобод қишлоқ советидаги Ильич номли колхоз ўтган йил давлатга пахта топшириш планини фақат 82 процент бажарди. Колхоз раҳбарлари (раиси ўртоқ Зокиров) ўтган йилги хатолардан тегишли хулосалар чиқариб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг гарави бўлган кўкламги чигит экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўришлари лозим эди. Аммо ишнинг бориши бу йил ҳам яхши эмас. Масалан, ҳозиргача далага 554 тонна ўрнига фақат 335 тонна маҳаллий ўғит чиқарилди, 505 тонна минерал ўғитдан атиги 211 тоннаси ташиб олинган. Келтирилган минерал ўғитлар яхши саранжомланмасдан ҳар қаерларда чочилиб ётмоқда. 8700 метр катта, кичик ариқлардан 5074 метри чопилган, холос.

Қишлоқ хўжалик машина асбоблари, транспорт воситаларининг ҳали ярми ҳам ремонтдан чиқмаган.

Ўртачирчиқ район раҳбарлари ҳадеб сводкаларга ишонавермасдан, вақти-вақти блан колхозга бориб ундаги ҳақиқий аҳвол блан тузикроқ танишсалар яхши бўлар эди.

Х. СУЛТОНОВ.

МЕХАНИК ДАЛАДА

Қизғин меҳнат куйини тинглаб,
Кўкда сокин чарақлар қуёш.
Кенг далада бир тракторнинг
Моторини кўрарди Қўлдош,
Брезент шим, брезент камзул,
Белда чайир ҳарбийча камар,
Учқун сочар кучли автоген,
Икки парча темирни ямар.
Олов ёнар ўқдек отилиб,
Ингит роса чўмилган терга,
Бу механик — комсомол йигит,
Шу йил келган янги бўз ерга.
У, юргизиб моторни шучоқ,
Ўйлар эди колхоз эртасин,
Тракторлар из солган ерда,
Кўрар эди хизмат, ҳиссасин.
Йигит хурсанд, мотор гувиллар,
Бўзни ҳайдаб ҳосилга чорлар.
Йигит хурсанд, янги ерларда,
Пайдо бўлар кенг экинзорлар.

Ўткир РАШИД.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

МТС ва район газетаси

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь ва март Пленумлари СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирларини белгилади. КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини муваффақиятли амалга ошириш қишлоқ хўжалиги ишларини кенг равишда механизациялаштиришни, МТСларнинг ишини яхшилашни, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва биринчи галда механизаторларнинг ролини кучайтириш ва активлигини оширишни талаб этади.

Сентябрь Пленумининг кўрсатмаларини, СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954 — 1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорини ҳамда КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлган Пленумининг «Мамлакатда ғалла етиштиришни кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида»ги қарорини муваффақиятли бажаришда партиямизнинг ўткир қуроли — матбуот зиммасига шарафли вазифа юкланади.

Ўзбекистон КП Пискент район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Советининг органи **«Пахта учун кураш»** газетасининг редакцияси сентябрь Пленуми қарорининг моҳиятини чуқур англайолмади. Бу газета Пленум қарори э'лон қилингандан кейин ҳам колхозларнинг асосий техника базаси бўлган МТСлар ҳаётини, механизаторларнинг иши ва турмушига оид масалаларни ёритишга кам э'тибор бермоқда.

«Пахта учун кураш» газетасининг (редактори ўртоқ Воҳидов) 1953 йил сентябрьдак 1954 йил март ойигача чиққан сонини кўриб чиққан киши райондаги иккита МТСда аҳвол қандай эканини, механизаторлар Пленум қарорини амалга ошириш учун нималар қилаётганликларини билаолмайди. Кейинги ойлар мобайнида газетада бирор МТС директорининг, бирор бригада механиги ёки тракторчининг, агроном ёки зоотехникнинг мақоласи босилмаган. Газета саҳифасида илғор механиклар ва тракторчиларнинг иш тажрибаси тўғрисида битта ҳам мақола ёки очерк босилмаган. Д. Деловнинг «МТС — колхоз ишлабчиқаришида ҳал қилучи куч» деган мақоласи босилган. Бу мақоланинг ҳажми жуда катта бўлишига қарамай, райондаги икки МТСнинг иши ва фаолияти тўғрисида бирор сўз ёзилмаган. Бутун мисоллар Ставрополь ўлкасидаги МТСлар ва бошқа жойлардаги механизаторлар ҳаётидан олинган.

Пискент — йирик пахтакор район. Бу районда ўз иши блан танилган илғор механизаторлар анчагина топилади. Пахта йиғим-терим даврида Пискент районидаги 2-нчи МТСнинг механик ҳайдовчиларидан Г. Тожибоев ва Б. Шарипов ўртоқлар яхши ишлаганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи блан мукофотландилар. Бироқ, газета шу ҳақдаги фармонни э'лон қилиш блангина кифояланди. Бутун республикада донг чиқарган илғор механизаторларнинг иш тажрибасини оммалаштириш юзасидан тузукроқ мақола ёки очерк бермади, район механизаторларини уларнинг иш тажрибаси блан таништирмади.

Сентябрь Пленумининг қароридан кейин партиямизнинг чақириғи блан жуда кўп қишлоқ хўжалик мутахассислари колхозлар ва МТСларга доимий ишлаш учун келдилар. Лекин «Пахта учун кураш» газетаси саҳифаларидан бу ўртоқларнинг нима ишлар блан шуғулланаётганликларини, колхозлар ва МТСларни мустаҳкамлаш учун, қишлоқ хўжалиги маданиятини ошириш учун нималар қилаётганликларини билиб бўлмайди.

Бу йил Пискент 10 минг 200 гектар ерга пахта экиши керак. Ма'лумки пахтадан мўл ҳосил етиштиришда колхоз ишлабчиқаришининг асосий моддий-техника базаси бўлган МТСлар зиммасига катта вазифалар тушади. МТСнинг муваффақиятли ишлаши эса трактор паркининг кўкламги экиш ишларига пухта тайёргарлик кўришига боғлиқдир. Бироқ Пискентдаги ҳар икки МТС бу йил трактор ремонтини ҳаддан ташқари кечиктириб юбордилар. Сўнгги ма'лумотларга кўра, 1-нчи МТС ремонт планини атиги 73,2 процент ва 2-нчи МТС 88 процент бажардилар. Қишлоқ хўжалик асбобларини ремонт қилиш жуда чўзилиб кетмоқда. Аммо район газетаси МТСда ремонт ишларининг бориши ҳақида ҳеччарса босиб чиқармади. Ҳолбуки қишлиқ ремонтнинг боришини мунтазам равишда ёритиб туриш, бу соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни очиб ташлаш, илғорларнинг тажрибасини, трактор паркини кўкламга тайёрлаш ишлари аҳволини ёритиб боришда газета катта роль ўйнаши керак эди.

Пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришнинг мас'улиятли даври — ер ҳайдаш, чигит экиш ишларининг оммавий тус олишига саноқли кунлар қолди. Айниқса ана шу даврда район газетаси илғор тракторчиларнинг иш тажрибасини системали ёритиб бориши, трактор ишларининг юқори сифатли ўтказилиши учун курашиши, ер ҳайдаш ва чигит экишда агротехника қоидаларининг бузилиши каби камчиликларни ўз вақтида очиб ташлаши, экин кампаниясини қисқа муддатларда тамомлашга механизаторларни тўла сафарбар этиш учун улар ўртасидаги социалистик мусобақанинг боришини мунтазам ёритиб туриши керак.

Ўртачирчиқ ва Ўртасарой районларида 4 та катта МТС бор. Бу МТСлар бой техника базасига эга. Уларда юзларча мутахассислар ва механизаторлар ишлайдилар. Пленум қароридан кейин бу МТСлар ҳам ташкилий ва хўжалик жиҳатдан анча мустаҳкамланди ва уларнинг коллективига янги кишилар келиб қўшилди. Бироқ ҳар икки районга хизмат қилучи **«Мўл ҳосил учун»** газета редакцияси МТСларнинг ишига оид масалаларни жуда кам ёритмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан ўтказилган Бутуниттифоқ МТС ходимлари кенгаши механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани кенгайтириш тўғрисида Мурожаат қабул қилди. Бу Мурожаат областимизнинг ҳамма МТСларида муҳокама қилинди. Механизаторларимиз қишлоқ хўжалиги ишларини комплекс равишда механизациялаштириш, техникадан унумли фойдаланиш, трактор ишларининг таннархини камайтириш юзасидан катта мажбуриятлар олдилар.

Район газеталари механизаторлар ҳаётини изчиллик блан ёритишлари ва қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштиришга уларни тўла сафарбар этиш учун ўзининг коллектив агитатор, коллектив пропагандист ва коллектив ташкилотчилик ролини муваффақиятли бажаришлари керак.

Ипакчилик илғорларининг область кенгаши

Муқимий номли театр биносида пиллачиларнинг область кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда 1954 йилда пиллачиликни янада ривожлантириш ва пилла топшириш давлат планининг бажарилишини та'миналш ҳақида область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ М. Ғуломов доклад қилди.

Ўтган йили областьдаги 45 колхоз ва 2 минг 500 звено пилла топшириш планини ошириб бажарди.

Оққўрғон райони давлатга пилла топшириш планини 108,2 процент адо этди. Илғор пиллачилар тажрибасини қўлланиш натижасида айрим районлар 1953 йилда бу соҳада бирмунча ютуқларга эришдилар. Масалан, Сирдар'ё районида пилла ҳосили кейинги йилларда 5 марта, Мирзачўл районида 2,6 марта, Янгийўл ва Оққўрғон районларида 1,5 марта кўпайди. Аммо, область пиллачилари мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаётирлар. Бунинг натижасида область бўйича уч йилдан буён пилла топшириш плани бажарилмаётир.

Доклад юзасидан қизғин музокаралар бўлди.

— Районимизда ҳарбир қути қурт уруғидан 67 — 134 килограмм ҳосил олган илғор пиллачиларимиз кўп, — деди Оққўрғон район ипакчилик бўлимининг мудири ўртоқ Орипов, — Масалан, Ворошилов номли колхоз пиллачилари ҳарбир қути қурт уруғидан 92 килограммдан ҳосил олиб, пилла топшириш планини 171 процент бажардилар. «Озод» колхозининг звено бошлиғи ўртоқ Бойматова ҳар қути уруғдан 85 килограммдан, Сталин номли колхознинг звено бошлиғи ўртоқ Гулсум Қўчқорова 134,4 килограммдан пилла топширдилар.

Ўртоқ Орипов ўз сўзида район партия ва совет ташкилотларининг колхозларда қурт боқишнинг озиқ-овқат базаси бўлган тутзорларни кенгайтиришда ёрдам бермаётганликларини айтди. Тут кўчати ўтқазиш плани 36 процент бажарилди, холос.

— Район совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик раҳбарлари, — деди область ипакчилик идорасининг мудири ўртоқ Ғаниев, — ипакчиликни ривожлантириш ва ундан мўл ҳосил етиштиришга етарли аҳамият бермаётирлар. Амалий ёрдам бериш ўрнига юзаки раҳбарлик ва сводкалар тўплаш блан шуғулланмоқдалар. Қурт боқишнинг бошланишига саноқли кунлар қолди. Шунга қарамай кўпгина район раҳбарлари таёргарлик ишларини суст олиб бормоқдалар.

Ўртачирчиқ районида кичик ёшдаги қуртларни боқиш учун иссиқ бинолар тайёрланмаган, инкубаторлар учун жойлар ажратилмаган, сўкчаклар тайёрлаш ишига ҳали ҳам киришилмаган. Бу районда жадал усулда қурт боқиш учун махсус бинолар ажратилмаган. Инкубатор тайёрлаш иши Паркент, Қуйичирчиқ, Ховос районларида йилдан-йилга барбод бўлаётир. Натижада пилла қуртларидан ҳам ҳосил олинмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикамиздаги ҳарбир районда тутзорлар ташкил қилиш ҳақидаги қарори кўпчилик районларда бажарилмай келаётир, областьда 15 миллион 200 минг туп тут кўчати ўрнига 8 миллион 844 минг тут кўчати ўтқазилганлиги бунга мисол бўлаолади. Буларнинг ҳам 80 процента қаровсизлик орқасида қуриб қолган. Ўтган 8 йил мобайнида областьда 5 минг 100 гектар ер тутзорга айлантирилиши лозим эди, аммо бунинг ҳам 50 процентигина бажарилган.

Пилладан кам ҳосил олишнинг сабабларидан бири қурт боқиш агротехникасининг кўп жойларда қўпол равишда бузилаётганлигидир.

Музокарага чиққан пиллачи мутахассислар Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институти ходимларининг ишларида йўл қўйилиб келинаётган камчиликларни қаттиқ танқид қилдилар.

Тошкент қишлоқ район пиллачилик бўлимининг ходими ўртоқ Брежнева сўзга чиқиб, Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институтининг ҳозирги пайтда олиб бораётган ишлари қурт боқишнинг илғор методларига тўла жавоб бераолмайди, деди. Қурт боқиш ишида механизациядан фойдаланиш айниқса ёмон аҳволда, илмий-текшириш институтининг ходимлари жойлардаги маҳаллий шароитларни ўрганмаётирлар. Мирзачўл районида 2-3 йилдан буён қуртларда пайдо бўлган сариқ касали уларни нобуд қилмоқда. Илмий-текшириш институтининг ходимлари эса бу касалликнинг олдини олиш чорасини кўрмаётирлар.

Янгилиш қатнашчилари Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институти илмий ходими ўртоқ Ғаниевнинг: «Биз илмий ходимларга айрим районларда пайдо бўлган касалликлар ҳалигача ма'лум эмас» деган сўзидан қаноатланмадилар. У, бу айбни район ташкилотларининг зиммасига юкламоқчи бўлди.

Қорасув районидаги Жданов номли колхоз бошлаётган партия ташкилотининг секретари ўртоқ Манзура Алматова колхозларни тахта ва бошқа қурилиш материаллари блан та'минламаётганлиги учун область пиллачилик идораси ва область ижроия комитети раҳбарларини танқид қилди.

Кенгаш қатнашчилари 1954 йилда пилладан юқори ҳосил олиш учун амалий тадбирларни белгиладилар. Бу йил ҳарбир қути қурт уруғидан 56 килограмм пилла олиш учун ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олдилар ва шу мақсадда Андижон область пиллачиларини социалистик мусобақага чақирдилар.

Картошка ва сабзавотдан мўл ҳосил етиштирайлик

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳамда СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Колхоз ва совхозларда 1953—1955 йилларда картошка ҳамда сабзавот етиштиришни кўпайтириш тўғрисида»ги қарорига биноан Тошкент областининг сабзавотчилик колхозларида сабзавот экинлари майдони кенгайтирилади ва бу экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун муҳим тадбирлар амалга оширилади.

1954-нчи йилда областимиз колхозлари 10 минг 600 гектар ерга картошка, 12 минг 800 гектар ерга сабзавот ва 7 минг 600 гектар ерга полиз экинлари экилади. Шу жумладан 2 минг гектар ерда эртаги картошка, 3500 гектар ерда эртаги сабзавот етиштирилади.

Область колхозлари бу йил ҳар гектар ердан 150 центнердан картошка, 215 центнердан памидор, 115 центнердан пиёз, 135 центнердан сабзи, 175 центнердан лавлаги, 190 центнердан қовун-тарвуз етиштиришлари керак.

Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор. Сабзавотчилик районларидаги МТСларнинг машина-трактор парки янги тракторлар, картошкани квадрат шаклида уялаб экадиган машиналар, картошка комбайнлари ва бошқа хил қишлоқ хўжалик машиналари блан тўлдирилди. Ҳарбир колхозда давлат агрономлари ишлаб турипти. Бу йил сабзавотчилик колхозларига 9000 тонна суперфосфат ва 8000 тонна азотли минерал ўғит берилади.

Давлат экин планини бажариш ва мўл ҳосил етиштириш учун катта ишлар қилиниши керак. Кейинги кунларда бўлиб ўтган об-ҳаво ноқулайликлари, эртаги картошка ва сабзавот экишни бироз кейинга сурди. Бу эса янада эўр бериб ишлашни талаб қилади.

МТСларнинг агрономия ходимлари бригада участкаларида сабзавот ва картошка экинларини жойлаштиришни яна бир марта текшириб чиқишлари, экинларни яхлит-яхлит карталарга марказлаштиришни та'минлашлари керак. Ўтган йилларда бригада ерига 7—8 хил, ба'зан эса ундан ҳам кўп экинлар жойлаштирилар, натижада экинни парвариш қилишни механизациялаш ва меҳнатни тўғри ташкил қилиш қийин бўлар эди. Энди бундай ҳолга хотима бериш керак.

Ҳар гектар ерда белгиланган туб қалинлигида ўсимлик бўлиши учун экилмай қолган бурчаклар бўлмаслиги керак. Экиннинг сийракланиши ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади. Шунинг учун экинни текис ундириш ва ўстиришга аҳамият бериш лозим.

Картошка ва сабзавотдан мўл ҳосил етиштиришда Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг (раиси ўртоқ Ҳасанов, агрономи ўртоқ Венгерский) тажрибаси анча диққатга сазовордир. Колхоз правленеси бригада бошлиқларига бригадага бириктирилган участканинг схематик картасини топширади. Бу картада қандай экинлар экилиши, ҳар гектар ерда неча тўп ўсимлик бўлиши, ундан қанча ҳосил олиниши, бригаданинг қанча ялпи махсулот тапшириши кўрсатилиб қўйилган. Бригада ва звеноларнинг участкаларига махсус тахтачалар ўрнатилади. Бунда даланинг катталиги, қандай экинлар экилиши, ҳар гектар ерда ва бутун участкада неча тупдан ўсимлик бўлиши, ҳар гектар ердан ва бутун участкадан қанча ҳосил олиниши, бригада ва звено номерлари ҳамда бригада ва звено бошлиқларининг фамилияси ёзиб қўйилади. Бу тадбир экинларни тўғри жойлаштиришга ёрдам беради, механизацияни кенг қўлланишни та'мин этади, колхозчиларни мўл ҳосил етиштиришга рағбатлантиради.

МТС, колхоз ишлабчиқаришида ҳал қилучи кучдир. Бу йил бирнеча минг гектарга картошка, памидор, карам квадрат шаклида уялаб экилиши керак. Бу прогрессив тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш учун колхозчиларга ва тракторчиларга бундай усулни ўрганиб олишда ёрдам бериш керак.

Бу йил ҳам эртанги сабзавот ва картошка экишга тайёргарлик суст бораётир. Тошкент шаҳари атрофидаги колхозларда ерларнинг ирригация ва мелиорация аҳволини яхшилаш ишлари қониқарсиз бормоқда. Ер қазиш ишлари фақат экскаватор блан бажарилиб, колхозчилар бу ишга жалб этилмаган. Мавжуд бульдозер, скрепер ва грейдерлардан яхши фойдаланилмаётир. Бу машиналарнинг иш унуми жуда паст.

Иригация ва мелиорация ишлари, партов ерларни ўзлаштириш район, МТС ва колхоз раҳбарларининг диққат марказида турипти ва бу иш сўзсиз яқин кунларда бажарилиши керак. Бунинг учун барча техника воситаларининг ва ишчи кучларининг дала ишларига сафарбар қилиш лозим.

МТСларда трактор ремонти ҳам тамомлангани йўқ. МТСлар қишлоқ хўжалик машина асбобларини ремонт қилишда колхозларга ёрдам бермаётирлар.

Шаҳар атрофидаги колхозларга шаҳардан маҳаллий ўғитларни чиқариш плани бажарилмаётир. Шаҳар ижроия комитети бу ҳолни ҳисобга олиши, шаҳардаги маҳаллий ўғитларни колхозларга етказиш ишини тартибга солиши керак.

«Ўзбекбирлашув» колхозларни парник рами учун ойна, каноп ва бошқа материаллар блан яхши та'мин этмайётир. Давлатга сотиладиган сабзавот фақат «Ўзбекбирлашув» орқали ўтади. Бу ташкилот колхозларга ёрдамни кучайтириши керак.

Бу йил кўчатларни гўнг-чиринди тувакчаларда етиштириш усули кенг миқ'ёсда жорий қилинади. Бироқ тувакчалар ясаш иши жуда суст бораётир. Планга мувофиқ 6 миллион дона тувакча ясалиши керак эди. Аммо 10 мартгача атиги 1 миллион 960 минг дона тувакча ясалган. Тошкент қишлоқ район 1 миллион 400 минг ўрнига, атиги 341 дона тувакча ясаб, айниқса орқада қолаётир.

Мўл ҳосил етиштириш учун уруғликнинг сортли ва соғлом бўлиши шарт. Колхозлар ўзларидаги уруғлик картошкани очиб кўришлари, сақлаш шароитини яхшилашлари, ўзларидаги уруғликни ҳисоблаб чиқиб, етишмайдиган уруғликни топиш тадбирини кўришлари керак.

Бир қатор колхозлар уруғлик картошкани яровизациялашга киришдилар. Яровизация эртанги картошкани тез етилтирадиган ва ҳосилни ошириб берадиган муҳим тадбирдир. Бироқ бу тадбир кўп колхозларда қўлланилмай келади. МТСларнинг колхозлардаги агрономлари яровизация усулини кенг ёйишлари керак.

Кўкламга тайёргарликдаги жиддий камчиликларнинг бири шуки, ҳали кўпгина колхозларда ишлабчиқариш планлари ва сметалар, шунингдек колхозлар блан МТСлар ўртасида шартномалар тузилиб тамомланмаган. Бу ҳам картошка ва сабзавот экиш ишини кечиктиради.

Қолоқ колхозларни илғор колхозлар даражасига етказиб олиш муҳим ишдир. МТС раҳбарлари, район партия комитетининг секретарьлари, район ижроия комитетларининг раислари бу хил колхозларнинг қолоқлик сабабларини чуқур ўрганишлари ва уларни илғорлаштиришга ҳартомонлама амалий ёрдам беришлари керак. Сабзавотчилик колхозларида экин компанияси бошланди. Бироқ бу йилги ноқулай об-ҳаво экин ишларини бирмунча кейинга сурди. Вазифа, бутун кучни, матерал техника воситаларни тўла сафарбар қилиб, қўлдан кеттан кунларни ўрнини тўлдириш, меҳнаткашларни мумкин қадар эртароқ сабзавот блан та'мин этиш учун барча тадбирларни кўришдан иборат.

Район партия ва совет ташкилотлари, МТС ходимлари, колхозчилар ва механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани кенгайтириб, аҳолини картошка ва сабзавот блан мўл-кўл та'мин этишлари лозим.

А. ГОСТЕВ.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

Яқинда Тошкент универмагининг 1-нчи сон филиалида харидорлар конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияга жуда кўп харидорлар, мол блан та'минлайдиган саноат корхоналарининг вакиллари ва магазин ходимлари қатнашдилар. Улар шу ернинг ўзида саноат молларидан ташкил қилинган виставкани тамоша қилдилар. **Суратда:** харидорлардан **И. Яськова** (чапда) ва **М. Едгорова** (ўнгда)лар Тошкентдаги Сталин номли тўқимачилик комбинатининг читга гул босиш цехи мастери **Н. П. Черниковага** газламаларга босилган гуллар ҳақидаги ўз мулоҳазаларини айтмоқдалар.

Я. Каминер фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Ҳамза Ҳакимзода ҳаёти ва ижодига бағишланган виставка

Тошкентдаги Ҳамза номли ўзбек давлат академик драм театрининг кўргазма залида Ҳамза Ҳакимзоданинг ҳаёти ва ижодига бағишланган катта виставка ташкил қилинди.

Виставка «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзбек совет адабиётининг асосчиси» деган бўлим блан бошланади. Виставка залларида Ҳамза Ҳакимзоданинг ҳаёти ва ижодига доир турли адабиётлар, фото иллюстрациялар, тарихий ҳужжатлар, портретлар, брошюралар ва бошқа материаллар қўйилган.

Виставканинг дастлабки тўрт бўлимида Октябрь социалистик революциясидан олдин Туркистон меҳнаткашларининг оғир турмушини акс этдиручи фоторепродукциялар ва Ҳамза ше'рларидан олинган парчалар қўйилган. Шунингдек бу даврда илгор рус маданияти ва революцион фикрларнинг Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалишига доир ҳужжатлар бор.

Ҳамза Ҳакимзода ўз ижодининг камолатга етишида ва поэтик маҳоратининг ошишида ўзбек классик адабиётининг бой хазинасидан фойдаланди. У, Навоий, Фуқат, Муқимий ва бошқа прогрессив-демократ шоирларнинг асарларини пухта ўрганиб, янги асарлар яратди. Виставкада Ҳамзанинг жамоат ишларига актив қатнашиб келганлиги, унинг янги мактаблар очишда ташкилотчилиги, ўқитучи бўлиб ишлаганлигини тасвирловчи материаллар бор.

Ҳамза Ҳакимзода Улуғ Октябрь социалистик революциясини зўр хурсандчилик блан кутиб олди ва жамоат ишларига актив қатнашиб, совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ўтмиш сарқитларига, халқ душманларига қарши курашни кучайтириш темаларига бағишланган ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак асарлар ёзабошлади. Ҳамза Ҳакимзода ўз ижодини ҳар томонлама ривожлантиришга интилди, сан'ат ва адабиётнинг отоқли арбоби сифатида танилабошлади. У, ше'рлар, драматик асарлар ёзди. Ше'рларга музика ёзишда ва пьесаларнинг саҳнага қўйилишида қатнашди. Сайёра концерт бригадаси тузиб, Қизил Армия қисмларида бадиий хизмат кўрсатди. Жангчилар, меҳнаткашлар оммаси ўртасида пропаганда ишларини олиб борди. Ҳамза Ҳакимзода паранжига қарши, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлучиларга қарши курашда актив жамоатчи бўлиб танилди. Виставкада Ҳамзанинг ташкилотчилик ва жамоат ишларига оид кўп материаллар қўйилган.

Виставканинг алоҳида бўлимларида Ҳамза Ҳакимзода ҳаётининг сўнгги йиллари, унинг қулоқ, буржуа миллатчиларига, руҳонийларга қарши ёзилган сатиралари, Ҳамзанинг матбуот, маҳаллий советларга сайлов кампанияларида актив қатнашганлигини тасвирловчи турли адабиётлар ва ҳужжатлар кенг ўрин олган.

Виставкада Ҳамза Ҳакимзоданинг ўзбек совет адабиёти ва са'натини ривожлантиришда кўрсатган катта хизматлари, унинг асарларининг нашр қилиниши, халқимизнинг Ҳамза асарларини зўр қизиқиш блан ўрганаётганлиги, ўзбек совет адабиёти ва сан'атининг тобора ривожланиб бораётганлиги ҳақидаги материаллар қўйилган.

Виставка отоқли шоир ва драматург, жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини тасвирловчи турли материаллар блан яхши жиҳозлантирилган.

Шоир Мирзо Турсунзода ижодига бағишланган адабий кеча

Яқинда Паркент район Заркент қишлоғидаги 12-нчи Ленин номли тожик ўрта мактабида тожик халқ шоири, Сталин мукофоти лауреати Мирзо Турсунзода ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Адабий кечада 10-нчи синф ўқучиларидан Т. Ҳакимов «Шоирнинг ҳаёти», М. Рўзиев, «Мирзо Турсунзоданинг ижодий фаолияти», Қ. Турғунов «Шоирнинг «Ҳиндистон қиссаси» балладаси ҳақида, У. Дадажонова шоирнинг «Ватан ўғли» номли достони тўғрисида темаларида доклад қилдилар.

Адабиёт тўгараги а'золаридан А. Аштоев, П. Ҳакимов, Б. Йўлдошев, А. Давлатказин, Х. Усмоновлар Мирзо Турсунзоданинг «Гулла Ватан», «Бахтимизга», «Қулиб келди», «Пушкинга», «Дўстлигимиз» ва бошқа ше'рларини дикломация қилиб бердилар.

Адабий кеча ўтказилган куни «Комсомол» номли деворий газетанинг Мирзо Турсунзода ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган махсус сони чиқди. Адабий кечага қатнашган 150 дан ортиқ ўқучи, ўқитучи ва ота-оналарга мактаб биносида «Пўлат солдат» номли кино-фильм кўрсатилди.

Б. ОДИЛОВ.

Ашула байрамига тайёргарлик

ОЛМАЛИҚ, 20 март. (ЎзТАГ). Шаҳар партия комитети ашула байрамига тайёргарлик кўришга бағишланган кенгаш ўтказди. Маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари ва партия ҳамда комсомол ташкилотларининг вакиллари-дан иборат шаҳар комиссияси ташкил қилинди.

Корхона ва муассасаларнинг хор коллективлари янги ижрочилар блан тўлдирилмоқда. Тўгарак а'золари репетиция ва машқлар ўтказишга тайёрланмоқдалар.

Лидия Пронина Ўзбекистон чемпиони

Ўзбекистон хотин-қизлари ўртасида республика биринчилиги учун бошланган шахмат чемпионати тамом бўлди. Чемпионат дўстона вазиятда ўтди. Конкурсдан ташқари мусобақага қатнашган халқаро мастер, хотин-қизлар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпиони Елизавета Бикова 13,5 очко олиб, биринчи ўринни эгаллади. Зўр маҳорат блан ўйнаб 12,5 очкога эга бўлган врач Лидия Пронина 1954 йилда Ўзбекистон чемпиони деган унвонни олди. Кейинги икки ўринни Л. Дмитрук (11,5 очко) ва Козлович (11 очко)лар олишди. Бу чемпионат Ўзбекистон хотин-қизлари ўртасида талантли шахматчилар етишиб чиқаётганлигини ёрқин намойиш қилди.

Б. ПЕРЕВОЗНИКОВ.

Боғбонлар мактаби иши янада яхшилансин

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли Тошкент боғбонлар мактаби 1944 йилда ташкил қилинган эди. Мактаб 1945 йилда академик Шредер номидаги мева-резаворчилик институти ихтиёрига берилди. Мактабда ўқитиш ва методик ишлар яхши йўлга солинди. Хусусан ўқув-ишлабчиқариш практикаси мевачилик институтининг экспериментал базасида илмий ва практик ходимларнинг бевосита раҳбарлиги остида ўтказилиши та'лим сифатини оширди. Шунинг учун колхоз, совхозлардан келиб бу мактабда ўқиётган практик ходимлар бир йилда анча назарий ва амалий билим олиб қайтмоқдалар. Мактаб ўзининг ўн йиллик иши давомида 415 та ўрта ихтисосга эга бўлган боғбонларни етиштириб чиқарди.

Мактаб трактор, қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоблари, автомашина, отулов, ўқув қуроллари блан та'мин этилган.

Броқ мактабнинг ўз биноси ва ер участкаси бўлмаганлиги натижасида ўқиш практикасини планли равишда уюштириш мумкин бўлмаётир.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги мактабни бино ва ер участкаси блан та'минлаш чорасини кўриши керак.

А. БОБОЖОНОВ.

ХИТОЙДА ПАХТА МАЙДОНЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

ПЕКИН, 22 март. (ТАСС). Пахта етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида бу йил Хитойда муҳим техника экини бўлган пахта майдонлари анча кенгайтирилади.

«Женьминьжибао» газетасининг бугунги хабарига қараганда, мамлакатнинг асосий пахтакор районлари бўлган — Шимолий ва Шарқий Хитойда пахта майдонлари айниқса кўп кенгайтирилади.

Газетанинг ма'лумотларига кўра, Шимолий Хитойда пахта экинлари майдони бу йил ўтган йилдагига нисбатан 14,4 процент кенгаяди. Бу районда пахта маҳсулоти экин майдонларини кенгайтириш ва ҳосилни ошириш ҳисобига бу йил 1953 йилдагига нисбатан 29 процент ўсиши лозим.

Бу йил мамлакатнинг бошқа районларида ҳам пахта маҳсулоти анча кўпаяди.

Хитойнинг ҳамма пахтакор районларида ҳозирги вақтда кўкламги экишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда: далалар сугорилмоқда, ўғит солинмоқда ва уруғлик чигит тайёрланмоқда.

Венгрия блан Болгария ўртасида мол айирбошлаш ва тўловлар тўғрисида битим

СОФИЯ, 21 март. (ТАСС). Газеталарнинг хабар беришича, 20 мартда Будапештда Болгария Халқ Республикаси блан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида 1954 йил учун мол айирбошлаш ва тўловлар ҳақида битим имзоланган. 1954 йилда иккала мамлакат ўртасида мол айирбошлаш 1953 йилдагига нисбатан 30 процентдан кўпроқ ортади. Болгария Венгрияга рўда ва концентратлар, ўғитлар, газлама, тамаки ва тамаки маҳсулотлари, вино ва бошқа хил қишлоқ хўжалик ҳамда саноат маҳсулотлари етказиб беради.

Венгрия эса Болгарияга машиналар ва машина ускуналари, қора ва рангли металлар, нефть маҳсулотлари ва химикалиялар, дори-дармонлар ва бошқа хил моллар етказиб беради.

Битим кенг исте'мол моллари контингентини кўпайтиришни кўзда тутади.

Хитойнинг ўзида ишланган биринчи пароход сувга туширилди

ШАНХАЙ, 21 март. (ТАСС). Кеча Цзиннань кемасозлик корхонасининг кемасозлари 900 тонна ҳажмли «Минчжун» деган пассажир пароходини сувга туширдилар. Бу пароход Янцзи дар'ёсининг саёз қисмида, Шанхай блан Чунцин ўртасида қатнайди. Илгари пассажирлар бу сув йўлининг ярмигача дар'ёнинг чуқур қисмида юрадиган пароходларда бориб, сўнгра саёз сувларда қатнайдиган кемаларга тушиб Чунцинга бориб етар эдилар. Янги пароход ўз конструкциясининг хусусияти туфайли Шанхайдан Чунцингача бўлган бутун сув йўлини бемалол босиб ўтаолади.

Бу мамлакат озод қилингандан кейин қурилган тўнғич катта пароходдир. Бу — Хитойнинг тарихида биринчи марта хитой инженерлари ва хитой ишчилари томонидан Хитойнинг ўз материаллари блан қурилган пароходдир.

Руминия блан Австрия ўртасида мол айирбошлаш

БУХАРЕСТ, 21 март. (ТАСС). 20 мартда Бухарестда протокол имзоланди. Бу протоколда Руминия блан Австрия ўртасида 1954 йилда айирбош қилинадиган молларнинг рўйхати белгиланади.

Бу протоколга мувофиқ, Руминия Австриядан штапель тола, ва тўқимачилик ипи, медицина асбоблари, фармацевтика аш'ёлари, химия ўғитлари, радиоаппаратура келтиради.

Бу моллар эвазига Австрия Руминиядан химикатлар, қурим қора куя, парафин, дори-дармон ўсимликлари, ёғоч ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олади.

Мўғулистон Халқ Республикасида чорвачиликни янада ривожлантириш тадбирлари

УЛАН-БАТОР, 21 март. (ТАСС). Кеча Мўғулистон Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали президиуми арат хўжаликлари ва арат бирлашмалари томонидан давлатга мажбурий суратда чорва моллари, жун ва сут етказиб беришнинг янги системаси ҳақида фармон нашр этди.

Давлатга мажбурий суратда маҳсулот етказиб беришнинг янги тартиби мамлакатда чорвачиликни янада ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилгандир. Меҳнаткаш аратлар учун давлатга мажбурий суратда маҳсулот етказиб бериш нормалари анча камайтирилган.

ГДР ички ишлар министрлигининг ахбороти

БЕРЛИН, 21 март. (ТАСС). Берлиндаги демократик матбуотда Германия Демократик Республикаси ички ишлар министрлигининг ахбороти э'лон қилинди. Ахборотда евангелие черкавининг 1954 йилда Германия Демократик Республикасида черкав с'езди (диний с'езд) ўтказишни истаганлиги ҳақида евангелие черкави вакиллари блан музокаралар бўлиб ўтганлиги ҳақида хабар берилди.

Бу музокараларда евангелие черкави томонидан немис евангелие черкави с'ездининг президенти фон Тадден-Триглаф, пастор Грубер ва Саксония черкав ишлари ер идорасининг раиси Д. Котте қатнашганлар. ГДР ҳукумати немис евангелие черкави с'ездини 1954 йил 7—17 июньда Лейпцигда ўтказишга розилик берган.

Венгрия блан Норвегия ўртасида савдо битими

ОСЛО, 21 март. (ТАСС). Газеталарда Венгрия блан Норвегия ўртасида 1954—1955 йиллар учун товар айирбошлаш ҳақида 18 мартда Ослода протокол имзоланганлиги ҳақидаги расмий ахборот босилиб чиқди. Товар айирбошлашнинг умумий қиммати тахминан 20 миллион крон миқдорда бўлади. Ахборотда айтилишича, Норвегия музлатилган балиқ филеси, балиқ уни ва бошқа хил балиқ маҳсулотлари, химикатлар, целлюлоза, ёғоч массаси, газета қоғози, штапель тола, ишланмаган тери, мўйна, ферросплавлар ва бошқа моллар, Венгрия эса мотоциклиллар, кўн аш'ёллар, қанд, мўйна, тивит ва бошқа моллар етказиб беради.

„Европа мудофаа бирлашмаси"га қарши чиқучиларнинг халқаро кенгаши ёпилди

ПАРИЖ, 22 март. (ТАСС). Кеча кечқурун парламент а'золари ва жамоат арбобларининг — «Европа мудофаа бирлашмасига» қарши чиқучиларнинг халқаро кенгаши ўз ишини тамомлади. Эдуард Даладье раислигида ўтган сўнгги мажлисда бирқанча мамлакатларнинг вакиллари нутқ сўзлаб, «Европа армияси» тузиш идеясини тинчлик иши учун хавфли деб ва жанжалли масалаларни музокаралар йўли блан ҳал этиш йўлида гов деб қораладилар.

Франция Миллат мажлисининг депутати радикал Эдуард Даладье бундай деди: «Мен нима учун Европа мудофаа бирлашмасига қарши бундай ихтирос блан курашаётирман. Мен бу курашни эскириб қолган национализм номидан олиб бораётганим йўқ, балки шунинг учун олиб бораётирманки, фикримча, Европа мудофаа бирлашмаси халқлар тотувлигини та'минлаш йўлида жуда катта ғовдир. Бизни Европа мудофаа бирлашмасини қабул қилишга мажбур этмоқчи бўлиб уринаётган кишиларнинг асл жиноятини шундан иборатки, улар халқларни бирлаштириш имкониятини тугатаётирлар».

Бонн ҳукуматининг собиқ ички ишлар министри Хейнеман герман милитаризмини тиклашнинг хавфли эканлигини уқтириб ўтди. Германияни милитаризация қилиш, — деди у, — герман демократиясини йўқ қилиб юборади.

Бавария ландтагининг депутати Хиллебранд ҳам Германияни қуроллантириш сиёсатини қоралаб, Германиянинг қуролланиши мамлакатда милитаристларни ҳокимият тепасига чиқарар эди ва Европада герман ҳукмронлигини тиклаш учун йўл очиб берар эди, деди.

Италия социалистик партиясининг бош секретари Пьетро Ненни айтдики, «Европа мудофаа бирлашмаси» бутун дун'ёда тинчлик йўлида ғовдир. Ненни уқтириб ўтдики, «Европа армияси» ҳақидаги шартноманинг ратификация қилиниши блан маш'ум «кичик Европа»ни барпо қилиш қат'ийлашади. Бу маш'ум «кичик Европа» икки жиҳатдан қарам бўлган: Америкага ва герман милитаризмига қарам бўлган қоалиция бўлади.

Кенгаш Ғарбий Европадаги турли мамлакатларнинг сиёсий ва жамоат арбобларидан кўп табрикномалар олди. Жумладан, Германия Демократик Республикасидаги бир группа сиёсий арбоблардан табрикнома олинди. Улар кенгашга таклиф этилган эдилар, аммо Франция ҳукумати уларнинг келишига рухсат бермади.

Кенгаш қатнашчилари таклиф этилган резолюцияни бир овоздан ма'қулладилар. Резолюцияда бундай дейилади:

«Европа мудофаа бирлашмаси тинчлик умидларини ошириштан жуда узоқ бўлган нарсадир. Бу бирлашма шарқ блан ғарб ўртасидаги музокаралар йўлини бекитиб қўяр эди ва Германияни тинч йўл блан бирлаштириш йўлида енгиб бўлмайдиган ғов вужудга келтирур эди... Европа мудофаа бирлашмаси ёрдами блан Германияни қуроллантириш герман демократиясининг имкониятларини кўпайтирмайди, балки милитаризмни тиклаш йўли блан бу демократияни йўқ қилиб юбориш хавфини яна вужудга келтиради. Европа мудофаа бирлашмаси ҳақидаги шартномада кўзда тутилган маш'ум гарантиялар фақат хом ҳаёлдир».

Халқаро кенгаш «Европа мудофаа бирлашмасини рад этади ва халқаро проблемаларни, шу жумладан Германияни тинч йўл блан бирлаштириш, бутун Германия территориясида эркин сайловлар ўтказиш, Германия ва Австрия блан сулҳ шартномалари тузиш, шарқ блан ғарб ўртасида нормал савдо ва маданий алоқаларни тиклаш, шунингдек коллектив хавфсизлик системасини ташкил этиш проблемаларини ҳал қилиш мақсадида музокараларни яна бошлашни талаб этади».

Индонезия Коммунистик партиясининг бешинчи с'езди ёпилди

ЖАКАРТА, 21 март. (ТАСС). Бугун Жакартада Индонезия Компартиясининг бешинчи с'езди ёпилди. С'езд ишчилар синфи блан деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи базасида миллий фронтни мустаҳкамлаш шиори остида, мамлакатнинг тўла мустақиллиги учун, ҳақиқий демократия учун ва халқлар ўртасида тинчлик учун кураш шиори остида ўтди. С'езд мустамлака режимининг қолдиқларини, қашшоқликни ва четэл капитали зўровонлигини тугатиш учун бораётган курашда партиянинг вазифаларини белгилаб берди.

Кенг дискуссиядан кейин с'езд партиянинг янги Уставини ва янги программасини қабул қилди. Дискуссияда Ява, Суматра, Борнео, Целебес ва бошқа оролларидаги кўп районларнинг вакиллари қатнашдилар. С'езд 13 а'зо ва 3 та кандидатдан иборат Марказий комитет сайлади. 5 киши: Айдит, Лукман, Ниото, Судисман ва Сакирман составида Марказий комитет Снёсий бюроси ташкил қилинди. Марказий Комитетнинг бош секретари қилиб яна Айдит, бош секретари ўринбосарлари қилиб Лукман ва Ниото сайландилар.

Компартиянинг бешинчи с'езди ўз ишини тамомлаганлиги муносабати блан бугун Жакартада кўп киши қатнашган митинг бўлди.

Индонезия компартияси с'ездининг тамомланишига доир

Жакартада оммавий митинг

ЖАКАРТА, 22 март. (ТАСС). Индонезия компартияси бешинчи с'ездининг тамомланиши муносабати блан кеча Жакартада бўлиб ўтган митингда 100 мингдан кўпроқ киши ҳозир бўлди. Жакарта меҳнаткашлари ва яқин жойдаги қишлоқлардан келган деҳқонлар митингга: «Яшасин Индонезия Компартиясининг 5-нчи с'езди — миллий мустақиллик, озодлик, демократия ва халқлар ўртасида тинчлик с'езди» деб ёзилган транспарантларни кўтариб келдилар.

Митингда Компартиянинг бош секретари Айдит нутқ сўзлади. У с'езднинг ишларини якунлаб берди ва Индонезияда бўладиган сайловга тайёргарлик юзасидан демократик кучларнинг вазифаларига батафсил тўхталиб ўтди.

Франция Миллат мажлисининг депутатлари Ғарбий Германияни қуроллантиришга қарши норозилик билдирмоқдалар

ПАРИЖ, 22 март. (ТАСС) «Юманите» газетаси хабар беради: коммунистик депутат Морис Крижель-Вальримон изоҳ берилишини сўраб ҳукуматга ёзма савол топширди. Бу саволда: «Ҳукумат Миллат мажлисининг ташқи ишлар комиссиясида бир овоздан қабул қилинган қарорга мувофиқ қандай тадбирларни кўрди ёки кўрмоқчи, я'ни бундестагда Ғарбий Германиянинг ҳарбий соҳадаги суверенитетини тиклаш ҳақида қабул қилинган қарорнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш учун қандай тадбирларни кўрди ёки кўрмоқчи» дейилади. (Буерда гап Бонн конституциясига Ғарбий Германияни қайтадан қуроллантиришни тезлатишга қаратилган тузатишлар киритилганлиги ҳақида боради).

Коммунист депутат Франсуа Бийу ташқи ишлар комиссиясининг мажлисини дарҳол чақиришни талаб қилди. У комиссия раиси Даниэль Мейерга ёзган хатида бундай дейди: Миллат мажлисининг ташқи ишлар комиссияси яқдиллик блан қарор қабул қилганлигини, бу қарор Франция ҳукуматига олий комиссардан (Германиядаги олий комиссардан. — ТАСС редакцияси) ўз ҳуқуқидан фойдаланишни ва конституцияга киритилган ҳарбий тузатишларнинг амалга оширилишига қаршилик қилишни талаб этиш мажбуриятини юклаганлигини назарда тутиб, мен сиздан ташқи ишлар комиссиясининг мажлисини дарҳол чақиришни сўрайман.

Франсуа Бийу бу мажлисда қуйидаги масалани: Бонн парламенти томонидан қабул қилиниб, конституцияга киритилган қўшимча ҳарбий моддаларнинг амалга оширилишига қаршилик кўрсатиш учун кўрилиш лозим бўлган тадбирлар ҳақидаги масалани муҳокама қилишни таклиф этди.

«Юманите» газетасининг мукофоти учун традицион кросс

ПАРИЖ, 22 март. (ТАСС). Бундан илгари хабар қилинганича, кеча Венсон ўрмонида (Париж яқинида) «Юманите» газетасининг мукофоти учун традицион кросс бўлиб ўтди. Кроссда Франциянинг ва бошқа мамлакатларнинг бирнеча минг спортчилари қатнашдилар. Вонсен ўрмонида кросс бўлиб ўтган ипподромда 30 мингга яқин тамошабин тўпланди.

Хотин-қизлар учун 2 километр масофага югуришда дастлабки уч ўринни совет спортчиларидан Откаленко (7 минуту 7,2 секунд), Комарова (7 минуту 15 секунд) ва Солопова (7 минуту 20,4 секунд) эгалладилар; тўртинчи ўринни Пештка (Польша), бешинчи ўринни Черношчек (СССР) олдилар.

Эркаклар учун 10 километр масофага югуришда Э. Затопек (Чехословакия) 30 минуту 34 секундда биринчи бўлиб финишга келди, иккинчи ўринни Хромик (Польша) — 31 минуту 26 секунд, учинчи ўринни Куц (СССР) — 31 минуту 34,8 секунд, тўртинчи ўринни Пожидаев (СССР) — 31 минуту 38 секунд, бешинчи ўринни Ануфриев, (СССР) — 31 минуту 47,8 секунд — эгалладилар.

Кросс мамлакатлар ўртасида спорт алоқаларини мустаҳкамлаш белгиси остида ўтди.

Совет касаба союз делегацияси Жаҳон касаба союзлари федерацияси ижроия бюросининг сессиясига жўнаб кетди

1954 йил 23 мартда Венада Жаҳон касаба союзлари федерацияси Ижроия бюросининг сессияси очилади. Сессиясининг кун тартибида қуйидаги масалалар турибди:

1. Халқаро аҳвол ва Касаба союзларя учинчи Жаҳон конгресси қарорларининг бажарилиши.

2. Касаба союз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий принципларини э'тироф этиш ва қўлланиш учун кураш ҳамда 1954 йил 1 май кунига тайёргарлик кўриш.

3. Касаба союзлари халқаро бирлашмаларининг (ЖКСФ ишлабчиқариш бўлимларининг) фаолияти ва вазифалари.

Жаҳон касаба союзлари федерацияси Ижроия бюроси сессиясининг ишида қатнашмоқ учун ВЦСПС Раиси Н. М. Шверник бошчилигида совет касаба союз делегацияси Москвадан Венага жўнаб кетди; делегацияни составида ВЦСПС Секретари Л. Н. Соловьев ва ВЦСПС президиумининг а'зоси В. И. Верезинлар бор.

СССР — Аргентина шахмат мусобақаси

БУЭНОС-АЙРЕС, 20 март. (**ТАСС махсус мухбири**). СССР ва Аргентина командалари ўртасида бўлаётган ўртоқлик шахмат мусобақасининг иккинчи давраси кескин ва қизғин кураш блан ўтди. Найдороф блан Бронштейн ўртасидаги ўйин кечиктирилди. Керес блан Болбочан ўртасидаги ўйин ҳам Кереснинг қўли баланд бўлган ҳолда ва Панно блан Авербах ўртасидаги ўйин Аргентина мастерининг қўли баланд бўлган ҳолда кечиктирилди. Тайманов Элисказесга қарши кечиктирилган ўйинида катта устунликка эга. Россето блан Котов ўртасидаги ўйин мураккаб аҳволда кечиктирилди. Петросян блан Пильник, Болеславский блан Гюмар ўртасидаги ва касал бўлган Мадерна ўрнига ўйнаган Мартен блан Геллер ўртасидаги ўйинлар дуранг бўлди.

20 мартда кечиктирилган ўйинлар давом этдирилади. Бундан кейинги ўйинларнинг тартиби қуйидагича бўлади: 21 мартда учинчи давра ўйналади; 22 мартда кечиктирилган ўйинлар давом этдирилади; 23 март дам олиш куни; 24 мартда тўртинчи давра ўйналади; 25 мартда кечиктирилган ўйинлар ўйналади ва мусобақа тугайди.

БУЭНОС-АЙРЕС, 21 март. (ТАСС). 20 мартда СССР блан Аргентина командалари ўртасидаги шахмат мусобақасининг иккинчи даврасида тамом бўлмай қолган ўйинлар давом этдирилди. Бронштейн блан Найдороф ўртасидаги ўйин совет гроссмейстерининг қўли баланд бўлган ҳолда яна кечиктирилди. Бронштейннинг битта рухи ва пиёдаси, Найдорофнинг битта оти ва пиёдаси бор.

Жаҳон биринчилиги учун шахмат мусобақаси

Учинчи ўйин

20 мартда П. И. Чайковский номидаги концерт залида жаҳон биринчилиги учун шахмат бўйича бўлаётган мусобақанинг учинчи ўйини бўлди. Оқ доналар блан Смислов ўйнади.

Ўйин тамом бўлмай қолди. Смислов 41-нчи юришини ёзиб қўйди.

21 мартда кундузи гроссмейстер Смислов рақибига ўйинни дуранг деб ҳисоблашни таклиф этди. Жаҳон чемпиони бу таклифни қабул қилди.

Шундай қилиб мусобақанинг уч ўйинидан кейин ҳисоб Ботвинник фойдасига 2½:½ бўлди. (ТАСС).

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда бугун кундуз Ҳоразм области ва Қорақалпоғистон АССР да ҳавонинг бироз булут бўлиши, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Температура 6—11 даража иссиқ бўлади. Ўзбекистоннинг бошқа областьларида ҳавода булут камаяборади. Ёғингарчилик бўлмайди. Температура 10—16, жануб томонларда эса 20 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 14—16 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/III да **Юрак сирлари**, 25/III да **Алишер Навоий**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—24/III да **Кўр ўғли**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/III да **Олтин кўл**, 25/III да **Муқимий**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
мактабларнинг баҳорги каникул кунларида қўйиладиган
Кундузги спектакльлар
26/III да — **Саён тоғлари этагида**.
27/III да — **Боқчасарой фонтани**.
28/III да — **Севилья сартароши**.
Спектакльлар кундуз соат 12 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
баҳорги каникул муносабати блан
МАКТАБ БОЛАЛАРИ УЧУН
Кундузги спектакльлар
26/III да — **Сорочинск ярмаркаси**.
27/III да — **Олтин кўл**.
28/III да — **Нурхон**.
30/III да — **Сочи оқарган қиз**.
31/III да — **Олтин кўл**.
Спектакльлар кундуз соат 12 да бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
24 мартдан
РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар
ОПА-СИНГИЛ КОХЛАРНИНГ ГАСТРОЛЬЛАРИ.
Аттракцион «Гигант семафор».
Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Касса эрталаб соат 11 дан очилади.

26 мартдан 31 мартгача
мактаб каникуллари даврида
КУНДУЗГИ ТАМОШАЛАР
РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар
опа-сингил Кохлар қатнашади.
«Гигант семафор» аттракциони кўрсатилади.
Тамошалар ҳар куни кундуз соат 1 да бошланади. Касса эрталаб соат 11 дан очилади. Билетлар ҳозирдан сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ИНСТИТУТИ
шу йил **28 март**, якшанба куни эрталаб соат 10 дан
Ўрта мактабларнинг юқори синф ўқучилари учун
«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»
ўтказади: Институтнинг адреси: Академическая кўча, 7-нчи уй (11 ва 13-нчи трамвай, 2-нчи троллейбуснинг «Театральная» остановкаси).

Кольцевая кўча, 8-нчи уйда туручи **Абрам Юльевич Тилисинг** Карл Маркс кўчаси, 59-нчи уйда туручи Чарна Израйловна Бурштейндан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Марказий район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 135, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 137, Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142.

Р 00472 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1297